

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

Директор \_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимкулов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2017 йил

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ-ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-  
УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИОН  
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент – 2017

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил \_\_\_\_\_идаги \_\_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:**

*М.К.Хашимова – педагогик фанлар номзоди, доцент*

*Ўқув -услугий мажмуаБош илмий-методик марказ Илмий-методик кенгашининг 201\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонлиқарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III.	МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	15
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР.....	61
V.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	69
VI.	АССИСМЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	70
VII.	ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	71
VIII.	БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....	79
XI.	ҲАР БИР МАВЗУ БЎЙИЧА СЛАЙДЛАР.....	79
X.	ГЛОССАРИЙ.....	80
XI.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	94
XII.	МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ.....	98

# Ў.ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан МДХ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида қатъий ислохотлар амалга оширила бошланди. Айниқса “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш” Миллий дастурининг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди. Натижада таълим тизими ва мазмун-моҳияти бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиб такомиллаштирилди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизимини самарадорлигини ошириш, таълим тизимини модернизациялаш, унга инновацияларни жорий этиш, педагогларни замонавий билим ва амалий кўникмалар билан қуроллантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидар. «Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш» модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини таълим модернизацияси масалалари билан таништириш, инновацион технологиялар, модулли технологиялар ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш. Илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

“Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” **модулининг вазифалари:**

- Тингловчиларга таълим-тарбия масалалари бўйича илғор таълим технологияларининг концептуал асослари, келиб чиқиш тарихи тўғрисида маълумотлар бериш, замонавий модулли технологияларидан фойдаланиб тингловчиларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш, модулли технологияларни қўллашнинг афзалликларини ёритиш, инновацион таълим технологияларни ишлаб чиқиш ва тингловчиларда уларни амалиётга жорий этиш маҳоратини шакллантириш;

- Демократик жамият ривожланишини таъминлаш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш

жараёнида инновацион технологияларни аҳамиятини ўрганиш улардан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган шарт-шароитларини яратиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- модернизация, инновация, модуль, ўқитиш модулли, кредит,рейтинг, таълим технологиялари, интерфаол технологиялар тушунчаси;
- модернизация жараёнининг устивор йўналишлари, технологиялаштириш қоидалари, тамойилларига оид;
- назорат жараёнини ташкил этишнинг самарали йўллари ҳақида;
- интерфаол технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- педагогик фаолият жараёнини модуллаштириш;
  - назорат жараёнини тез ва самарали ўткази олиш;
  - назоратнинг турли шаклларида самарали фойдаланиш;
  - интерфаол методларни мақсадли равишда тўғри танлаш ва фойдаланиш;
- кўникмаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- ўқув курсини модулини тузиш;
  - ахборотни структуралаштириш;
  - талабаларнинг мустақил амалий фаолиятни ташкил этиш;
  - кириш ва чиқиш назоратини ташкил этиш, эришилган натижаларни таҳлил этиш;
  - интерфаол методлардан фойдаланиш;
- малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- ўз соҳасига оид ахборотни мантиқий блокларга ажратиш ва аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- коммуникативликни ва мустақил фаолиятни ташкил этиш юзасидан **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-

коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўргандилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар, бу эса ўз навбатида олий таълим тизимининг самарадорлигини оширишга ўз хиссасини қўшади.

### **Модул бўйича соатлар тақсимооти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назай	Амалий машғулот	
1.	Олий таълим тизими ўқув-жараёнини модернизациялаш	6	2	2	-	4
2.	Олий таълим тизими ўқув-услугий фаолиятига инновацион таълим технологияларини жорий этиш.	10	6	2	4	4

3.	Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар	10	6	2	4	4
		26	14	6	8	12

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Олий таълим тизими ўқув-жараёнини модернизациялаш Режа:**

1. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг муҳим йўналишлари.
2. Олий таълим тизими ва глобализация.
3. Таълим сифатини таъминлаш.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг муҳим йўналишлари. Таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш. Олий таълим тизимида глобализация жараёни, Балония декларацияси, таълим сифатини ошириш - олий таълим тизимини модернизациялашнинг устивор йўналишларидан бири сифатида.

### **2-Мавзу: Олий таълим тизими ўқув-услубий фаолиятига инновацион таълим технологияларини жорий этиш.**

#### **Режа**

1. Инновацион таълим технологияларнинг мақсади ва вазифалари.
2. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш қоидалари.
3. Технологик ёндашув концепциясида назоратнинг ўрни.

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. ОТМлар ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини жорий қилиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини бошқариш. Ўқув мақсадларини тўғри шакллантириш, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва таълим сифатини таъминлаш.

### **3-Мавзу: Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар**

#### **Режа**

1. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар.
2. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар.

Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш қоидалари, турлари. Талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари. Интерфаол технологиялар, органайзерлар, кейс, лойиҳа усуллари. Мустақил фаолиятни ташкил этишда маслахатлар тизимини такомиллаштириш. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда педагогик технологиялар, компьютер ва Интернетдан фойдаланиш. ОТМларда модераторлар, кейсологлар фаолиятини ташкил этиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**Мавзу: Олий таълим тизими ўқув-услугий фаолиятига инновацион таълим технологияларини жорий этиш (4 соат)**

**1-амалий машғулот ( 2 соат)**

**Режа**

1. Ўз соҳасига оид мавзунини танлаш ва уни структуралаштириш.
2. Мавзу бўйича эришиладиган натижаларни шакллантириш.

**2-амалий машғулот ( 2 соат)**

**Режа**

1. Тезкор назорат усуллари мисоллар ишлаб чиқиш.
2. Танланган мавзу бўйича ишланган мақсадлар тизимига мос назорат ишларини тайёрлаш.

**Мавзу: Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар (4 соат)**

**1-амалий машғулот (2 соат)**

**Режа**

1. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усуллари мисоллар ишлаб чиқиш ва тақдимот қилиш.
2. Тақдимот натижаларини таҳлил этиш умумий камчиликларни аниқлаш ва йўқотиш.

**2-амалий машғулот (2 соат)**

**Режа**

1. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш.
2. Аввалги амалий машғулотларда танланган мавзунинг ҳар бир индектив мақсадига мос мустақил фаолиятни танлаш.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланган ҳолда тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;



- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Модул бўйича мустақил таълим топшириқлари**

1. Олий таълим тизимини модернизациялаш зарурати ва уни амалга ошириш.
2. Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
3. Олий таълим тизимида юқори малакали мутахассисларни етиштириш жараёнини самарадорлигини ошириш.
4. Олий таълим тизимида инновацион таълим технологияларини жорий этиш масаласи.
5. Олий таълим тизимида глобал муаммолар ва уларни ечимини топишда самарали бошқарувнинг ўрни.
6. Олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш.
7. Олий таълим тизимида талабаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
8. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
9. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
10. Педагогнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
11. Олий таълим тизимида назорат жараёнини ташкил этиш ва бошқариш.
12. Олий таълим тизимида тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.
13. Олий таълим тизимида педагогнинг инновацион фаолияти.
14. Олий таълим тизимида талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш.
15. Олий таълим тизимида модулли технологияларни жорий этиш ва бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
7. Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” гезатаси 2009 йил 14 февраль.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

## **II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)” Тартиби.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732 –сон Фармони.

## **III. Махсус адабиётлар.**

9. С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.»:ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.

10.Селевко С.Современные образовательные технологии, Москва.1998.-75-90 с.

11. Махмутов, Ибрагимов, Чошанова "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань, 1993.- 75с.
12. Хўжаев Н, Хасанбоев Ж, Мамажонов И, Мусахонова Г. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Т, ТДИУ.-2007.71-74
13. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет.
14. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар", Қарши, 2000.
15. Голиш Л.В. "Замонавий педагогик технологиялар", М. 1999.
16. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар. Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
13. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
14. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Тошкент: «Фан», 2010.
15. Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари – Т.: “Фан ва технология”, 2006
16. Саидахмедов Н., Очилов М. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси – Т.: ХТБ РТМ, 1999
17. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия. нашр, 2003
18. Модель медицинского образования КазНМУ им. С. Д. Асфендиярова. Вып. 1. Ч. 3. Алматы: КазНМУ им. С. Д. Асфендиярова, 2010. 71 с.
19. Копченков В. Новая профессия – фасилитатор онлайн-сообществ. URL: <http://community.sk.ru/press/reading/b/buildabusiness/archive/2013/03/28/novaya-professiya-1320-fasilitator-onlaynsoobschestv.aspx>.
20. Ермолаева Е.И. Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. Пензинский университет. 2010.- 75с.
21. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011. – 144 с
22. Тимофеева Ю.Ф. Роль модульной системы высшего образования в формировании творческой личности педагога-инженера. // Высшее образование в России. №-4, 1993, с119.
23. Соколов Е. Модульная профессиональная подготовка: Резервы оптимизации // Новые знания.-2000.-№ 3.
24. Трофимов В, Ломова И. Методология разработки модульных курсов // Новые знания.-2000.-№2.
25. Трофимова З.П. Основы методологии и методики построения педагогических тестов: учеб. - метод. пособие / Под ред. А.В.Макарова. — Мн: РИВШ, 2005. — 60 с.
26. Майоров А.Н. Теория и практика создания тестов для системы образования. (Как выбирать, создавать и использовать тесты для целей образования). — М.: Интеллект-центр, 2001. — 296 с.
27. Михайлычев Е.А. Дидактическая тестология. — М.: Народное образование, 2001. — 432 с.

28. Чельшкова М. Б. Теория и практика конструирования педагогических тестов: Учебное пособие. — М.: Логос, 2002. — 432 с.

[www. tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

[www. pedagog.uz](http://www. pedagog.uz)

[www. Ziyonet.uz](http://www. Ziyonet.uz)

[www. edu.uz](http://www. edu.uz)

tdpu-INTRANET. Ped

<http://www. едусторнг.ру/маин/боок/педагогтечно.тм>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛ

Тингловчилар бир неча гуруҳларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳ берилган йўналишларга асосан модернизация жараёнида бажариш лозим бўлган вазифалар тизимини белгилаб чиқиши талаб этилади. Ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган вазифанинг зарурати ва уни амалага ошириш йўлларига изох бериш талаб этилади.

#### Модернизация жараёнини амалга ошириш учун лозим бўлган вазифалар таҳлили

№	Ҳуқуқий базани шакллантириб бориш	Таълим самарадорлигини ошириб бориш	Моддий-техник базани мустаҳкамлаб бориш
1	ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш, масъулиятни ошириш	Янги авлоднинг эҳтиёжлари, қизиқшлари, имкониятларини ўрганиб бориш	Моддий таъминотнинг янги манбааларини аниқлаш
2	таълим олиш ҳуқуқини таъминланиши	Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси	Замонавий техник воситалар билан ва замонавий алоқа билан таъминтлаш
3	Шаффофликни таъминлаш	Таълим самарадорлигини кафолатловчи ёндашувларни жорий этиш	Педагог ва талабаларда мотивларни кучайтириш

## Концептуал жадвал

Тингловчилар 4-5 кишилик гуруҳларга ажратилади. Ўрганилган мавзу бўйича билимлар мустаҳкамлангач куйидаги жадвал тарқатилади. Жадвал тингловчилар томонидан ҳар бир белги бўйича тўлдириб чиқилгандан сўнг тақдимот уюштирилади. Таклифлар ва қўшимчалар ўрганилиб чиқиб, хулосалар ишлаб чиқилади.

Концепциялар	Ўзига хос хусусиятлари	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти	Натижалар
Анъанавий таълим	1	1	1	1
	2	2	2	2
Модулли таълим	1	1	1	1
	2	2	2	2

### Ахборот матнини мантиқий тузилмасини яратиш

Берилган ахборотни ўрганиб чиқиб мантиқий структурасини яратишга оид тавсиялар берилади:

1. Ахборотни чуқур ўрганинг.
2. Ахборотни мантиқий бўлақларини аниқланг.
3. Ҳар бир мантиқий бўлақнинг таркибини ишлаб чиқинг.
4. Ҳар бир бўлақнинг қисқача изоҳини тузинг.
5. Умумий ахборотнинг ўзаро боғлиқликларини ўрнатинг.

Тингловчилар ўз тузган мантиқий тузилмасини тақдимот қилади ва ушбу тузилмани ахборотни ўрганиш жараёнида қандай қулайликлар туғдиришига изоҳ беради.

### “Т” схема органайзери.

Тингловчилардан тест назоратининг ютуқ ва камчиликларни аниқлаш талаб этилади. Бу вазифани индивидуал ҳолда ёки гуруҳларда бажариш мумкин.

Ютуқлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ватқни тежалиши</li> <li>• Фронтал ҳолда иш олиб бориш имкони</li> <li>• Мантиқий фикрни</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Нутқнинг ривожлан-маслиги.</li> <li>• Мулоқотни йўқлиги.</li> <li>• Ҳамкорликда</li> </ul>

<p>ривожлантириш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Баҳолаш қулай</li> </ul>	<p>фаолиятнинг йўқлиги.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Педагогик муносабатнинг йўқлиги.</li> </ul>
---	--

### III. МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

#### 1-Маъруза

#### Мавзу. Олий таълим тизими ўқув-жараёнини модернизациялаш (маъруза машғулоти. 2 соат.)

Режа:

1. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг муҳим йўналишлари.
2. Олий таълим тизими ва глобализация.
3. Таълим сифатини таъминлаш.

**Таянч тушунчалар:** модернизация, инновация, кредит, эволюция, революция, глобализация.

1.1. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг муҳим йўналишлари. Модернизация - ( лотинча - modeme – энг янги) – такомиллаштирилган, яхшиланган, янги талабаларга жавоб бера оладиган деган маънони билдиради. Ушбу сўз борган сари ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланилиб бормоқда. Модернизация жараёни таҳлилига бир қанча ёндашувлар бор:

1. Дихотомик ёндашув. Бунда модернизация жараёни анъанавий ҳолатдан замонавий ҳолатга ўтиш деб қаралади.
2. Тарихий ёндашув. Тарихий тараққиёт, ўзгаришлар ва революциялар нуқтаи назаридан талқин этилади.
3. Инструментал ёндашув. Ўзгариш воситалари ва усуллари нуқтаи назаридан талқин этилади.
4. Ментал ёндашув. Дунёқарашнинг ва руҳиятнинг трансформацияси нуқтаи назардан талқин этилади.
5. Цивилизация. Замонавий цивилизациянинг ёйилиб бориши нуқтаи назаридан талқин этилади.

Модернизация парадигма сифатида XX асрнинг ўрталарида АҚШда шаклланди. Модернизациянинг икки тури ажратилади:

А) Органик (Ички резервлар ҳисобига трансформацияни ўтказиш).

Б) Ноарганик (Трансформация ташқи давлатлар иштирокида амалга оширилади).

Таълим тизимидаги модернизацияга ёрқин мисол таълимдаги ислохотлардир (таълимнинг тузилиши, мазмуни, шакл ва методларнинг тубдан ўзгариши). Кейинги даврларда таълим тизимидаги ўзгаришлар давлат миқёсида баъзан эса давлатлараро масала сифатида талқин этилади. Таълим тизимидаги ислохотлар ижтимоий эҳтиёж сифатида қабул қилиниши лозим. У эволюцион характерда ҳамда революцион характерда бўлиши мумкин. Реформалар

таълимнинг танланган бир тизимида содир бўлиши ёки давлат миқёсида барча таълим босқичларида содир бўлиши мумкин (1917 й, 1958 й, 1984 й, 1997 й).

Таълимни модернизациялашдан мақсад таълимнинг тараққиётини таъминлаш ва тизимда XXI асрда яшаётган жамиятнинг эҳтиёжлари, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари, ҳар бир шахснинг ва оиланинг эҳтиёжлари акс этиши лозим. Бундай тараққиёт тизимини яратиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- Давлат томонидан тўлиқ таълим олиш ҳуқуқини таъминланиши;
- Таълим тизимининг барча босқичларида замонавий таълим сифатини таъминлаш;
- Таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш ва ташкилий-иқтисодий механизмларни янги ресурсларини аниқлаш ва жалб этиш.
- Педагог мақомини кўтариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- Таълим тизимида шаффофликни таъминлаш ва унинг қатнашчиларини масъулиятини ошириш.

Модернизация жараёни йўналтирилган ҳар бир объектнинг бу жараёндаги тўлиқ иштирокини таъминлаш ҳам асосий масалалар қаторига киради (давлат, таълим тизими, иқтисодиёт ва бошқа тармоқлар, ижтимоий институтлар, жамият, оила).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва у ўз моҳиятига кўра олий таълим тизимидаги ислохотларнинг янги босқичини ифода этади<sup>1</sup>. Бу қарор олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган. Дастурда юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу йўналишда чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, унда юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш ҳамда давлат таълим стандартлари (ДТС)ни янада такомиллаштириш назарда тутилган. Шунга кўра, мазмуни бўйича турдош мутахассисликларни қўшиб юбориш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳаларда эҳтиёжи қолмаган мутахассисликларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).



ёпиш ҳисобига 2016 йилга қадар олий таълим бакалавриат босқичи йўналишларининг сони 228 тадан 165 тага, магистратура босқичининг мутахассисликлари эса 1200 тадан 500 тагача камайтирилди. Дастур ижроси доирасида инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳалари бўйича қабул квотаси босқичма-босқич оширилиб, бу йўналишларда таълим олаётган талабаларнинг умумий сони амалдаги 23 фоиздан 2015-2016 ўқув йилида 36 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу йўналишларга ажратилган давлат гранти ўринлари эса ўртача 5-10 фоизга кўпаяди. Шунга тенг равишда “таълим” “иқтисодиёт ва бизнес”, “ҳуқуқ” ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳаларга тегишли таълим йўналишларида қабул квотаси ва грант ўринлари, аксинча, камайиши кутилмоқда<sup>2</sup>.

Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011 — 2016 йилларга мўлжалланган дастур ижроси айна чоғда изчиллик билан бажарилаётгани тизим ривожига муҳим омил бўлаяпти. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!” деган эзгу мақсадининг ҳаётий ифодаларидир.

2011-2012 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасалари битирувчиларига қатъий талаб қўйилмоқда:

- 1) улар замонавий компьютер ва ахборот технологиялари;
- 2) хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилини мукамал билиши керак. Бу жиҳатдан ўқув дастурларини ҳар бир таълим йўналишининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш кўзда тутилган. Талабаларнинг халқаро таълим ресурсларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида яқин йиллар ичида олий таълим муассасаларини битирувчи замонавий оптик толали ягона компьютер тармоғи ишга туширилади. Юқори тезликдаги Интернетга уланувчи ушбу тармоқ ёрдамида мамлакатимиз ҳамда хориждаги таълим муассасалари билан алоқа боғлаш, видео-анжуманлар ўтказиш мумкин бўлади. Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чоратадбирлар тўғрисида» ги Қарори, Олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларнинг замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодий соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини камраб олган. Аввало, ушбу дастур ўз ичига:

- 1) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника

---

<sup>2</sup> Умарова Н. Олий таълимдаги муҳим янгилик (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Ражабовнинг шарҳидан фойдаланилди) // Туркистон, 2011 йил 8 июнь.

базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган;

2) юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган;

3) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари баён<sup>3</sup>

4) ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхати киритилган;

5) олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий тадқиқот лабораторияларининг рўйхати илова қилинган;

6) Дастурни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун махсус комиссия таркиби ташкил этилиши таъкидланган;

7) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш айтиб ўтилган.

Юқорида келтирилган Президент қарорига кўра:

1. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига айлантирилди.

2. Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига ўзгартирилди.

3. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди. Қарорга кўра, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида **Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.** Қарорга кўра, Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича киритиладиган таклифларда:

1) ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби тарификацияси такомиллаштирилиши;

2) “доцент” ва “профессор” илмий унвонларини бериш тизимини олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш;

3) юқори малакали ўқитувчиларга касб маҳорати ва ўқув жараёнини

---

<sup>3</sup> “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил 6 этилган;

яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш кабилар кўрсатиб ўтилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан юксалтиришни кўзда тутгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Фармонда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ҳамда услубларини тубдан янгилашга оид чора-тадбирлар ўз ифодасини топди. Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларида талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишга зарур шарт-шароит яратади, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ривожлантириб боришини талаб этади. Негаки, бугун вояга етаётган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқдир. Фармонда қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, ушбу курсларда машғулотларни сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва профессионал даражада ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ҳамда моддий-техник базани шакллантириш лозимлиги қайд этилди. Бу саъй-ҳаракатлар, албатта, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида юксак малакали ва етук мутахассисларни етиштириб бериш, олий таълим тизимини том маънода мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим омилга айлантириш, қолаверса, кадрлар тайёрлаш тизимининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу ўринда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологиялари жадал кириб бораётганини қайд этиш жоиз. Мазкур ҳужжатда ҳам олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши зарурлиги кўзда тутилди. Шубҳасиз, бу мамлакатимиз таълим тизими ривожини янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Мухтасар айтганда, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада

такомиллаштиришга оид чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши келажак авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишига, илғор фан ва техника ютуқларимиз, илмий лойиҳаларимиз дунёда эътироф этилишига замин яратади. Зеро, таълим ва тарбия устувор мамлакатда беқиёс янгиланишлар тобора юксак бўй чўзади.

## **1.2. Олий таълим тизими ва глобализация**

1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлатининг таълим тизими вазирлари томонидан Болония декларацияси имзоланди ва 2010 йилга қадар Европанинг барча давлатлари ана шу тизимга кириши назарда тутилган.

Европа талабалари кенгаши (11 миллион талаба 37 давлатдан) 2001 йил Болония жараёнини қўллашга қаратилган ҳаракат фаолиятиини ўз зиммасига олди ва 2 йил давомида талабаларнинг фикрларини ўрганади. Албатта қарама-қарши фикрлар кўп бўлган. Ижобий жиҳатлари ва камчиликлар аниқланган. 2005 йил ушбу жараёни танқидий ўрганишга кирилишган ва “Черная Книга Болонского процесса” деган маълумотномани тақдим этилди. Унда кредит тизимини самарасига ва магистратурада ўқиш учун катта маблағ талаб этилаётгани, талаларга етарли даражада эркинлик берилмаётганлиги ва ҳаддан ташқари меҳнат бозорига специализация қилинаётганлиги ҳақида ёзилган.

### **Ижобий жиҳатлари:**

1. Болония жараёнига қўшилиш талабалар ва педагогларнинг мобил ҳаракатини таъминлайди. Талаблар билан алмашиш кенгайди.
2. Иш билан таъминланиш даражаси кенгайди.

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин:

1. Муаммоли таълим технологиялари.
2. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.
3. Ҳамкорлик технологиялари.
4. Модулли технологиялар.

**Модулли технологиялар**- энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган, Б.К.М. диагностикасида турли шаклларида фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи яхлит жараён.

**Модуль** - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

**Модуль дастур**- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир.

**Ўқув модули** – нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда яқуний назорат каби қисмлардан иборат.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга

қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модул бу шундай мақсадгша йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз–ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу субъект-объект муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундай йўндашувда педагог субъект ролини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай талабаларни ишлаб чиқиш, талабалар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Талабалар эса пассив ҳолда объект ролини бажаради. Талабаларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушиниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парагдимага қарши ғояни америкалик педагог Д. Дьюи ишлаб (1859-1952) чиқади. Унинг фикрича нимани ва қандай ўқиш лозим деган саволларга жавоб топишда талабага ҳам эркинлик бериш ва унинг хоҳишларини ҳисобга олиш лозим. Токи талаба ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустақил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди.

“Модулли таълим” тушунчаси 1971 йилларда Дж.Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалнинг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М.Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г.Оуенс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, ўқувчи, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киритади.(1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А.Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П.Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажаратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модул мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;
- модул маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув

предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;

- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

Бундан ташқари “модул” тушунчасига тегишли бўлган бир қанча хусусиятларни ажратиш мумкин:

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолиятини интеграцияси;
- Методик таъминот;
- Мустақил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;
- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва структуралаштириш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат;
- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

**Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:**

1. Блок. Кириш назорати- янги мавзунинг ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.
2. Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантикий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўрғазмали материаллардан иборат (Ахборот расм, диаграмма, схемаларда тўлиқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ).
3. Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.
4. Блок. Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.
5. Блок. Чуқурлашиб боровчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.
6. Блок. Назорат блоки. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.
7. Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл кўйилган ҳатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.
8. Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

**Модулли ёндашув тамойиллари:**

- ◎ Модуллилик
- ◎ Мазмунни структуралаштириш
- ◎ Динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мураккабга)
- ◎ Фаолиятлилик
- ◎ Мослашувчанлик (гибкость)
- ◎ Натижаларни олдиндан аниқлаш
- ◎ Маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

**Модуль туралри:**

- ◎ Назарий модульлар (Назарий билимларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).

- ◎ Амалий модульлар (Амалий кўникмаларни ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар).
- ◎ Технологик ёки аралаш модуллар (назарий билим, амалий куникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган модуллар) .

## 2.1. Модулнинг таркибий қисмлари.

Модул дастур комплекс дидактик мақсаддан (КДМ) ва бу мақсадга эришишга хизмат қилувчи модуль блоклари йиғиндисидан иборат.

Модул дастурини ишлаб чиқиш учун асосий ғояларни ажаратиб олиш ва блок-модулларда структуралаштириш, сўнгра комплекс дидактик мақсадларни шакллантириш талаб этилади. Комплекс дидактик мақсадлар модул-блокларининг мақсадларига, яъни интегратив дидактик мақсадларга (ИДМ) ва хусусий дидактик мақсадларга (ХДМ) бўлинади, уни эса ўз навбатида ўқув элементлари ташкил этади.

Модул дастурларнинг мақсади албатта малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модул дастурнинг мақсадини тузишда ана шу мутахассисга қандай талабалар тизими қўйилаётган эканини аниқлаб олишдан бошланади. Бугунги кунда Россияда мутахассисга қўйиладиган умумий талабалар тизими ўрганилиб уларни уч асосий гуруҳга ажратилмоқда. Мутахассисни компетентлигини аниқловчи критерийларни қуйидаги категорияларга бўлиш мумкин

### \* Инструментал компетентциялар:

- анализ ва синтез қобилиятига эга бўлиш;
- режалаштириш ва ташкил этиш қобилияти;
- умумий базавий билимларга эга эканлиги;
- мутахассислик бўйича базавий билимларни эгаллаганлиги;
- она тилида бемалол мулоқатга кириша олиш;
- ахборот технологияларидан фойдалан олиш малакалари;
- ахборот материали билан ишлаш қобилияти;
- муаммоларни ечиш қобилияти;
- Қарорлар қабул қилиш қобилияти.

### \*Коммуникатив компетентлик:

- танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш;
- гуруҳда фаолият кўрсатаолиш;-ўзаро мулоқотга кириша олиш;
- ахлоқий қадриятларни тан олиш;
- турли халқлар маданиятига хурмат билан қараш;
- бошқа йўналишда фаолият юритувчи экспертлар билан муносабатга кириша олиш.

### \*Тизимли компетентлик:

- билимларини амалда тизимли равишда қўллай олиш;
- тадқиқот олиб бориш;
- янги ўроитга мослашиш;
- ижод қилиш;
- лидерлик қобилиятини ўстириб бориш;
- индивидуал ҳолда фаолият юритиш қобилияти;

- лойихаларни ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш;
- тадбиркорлик ва янги ғояларни илгари суриш;
- масулиятлилик;
- муваффақиятга эришиш мотивининг ривожланганлиги<sup>4</sup>.

Танланган мутахассислик бўйича умумий дидактик мақсадлар тасдиқланган стандартда ўз аксини топган. Модул дастурини ишлаб чиқишда ана шу стандарт талабларига асосланилади.

Модулларни ишлаб чиқишда учта асосий компонентга эътибор қаратиш лозим:

1. Модул спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

**1.Модул спецификацияси**-ана шу модул ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида акс эттиради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

**1.1. Модулнинг номи.** Модулларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва қайтарилишларга йўл қўймаслик лозим.

**1.2. Ўқитишнинг мақсади.** Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёргаликдаги ахамияти ёритиб берилиши лозим. Талабанинг режали тараққиёти акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

**1.3.Ўқитиш натижалари.** Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қанадй кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади. Ўзлаштириш жараёни тугагандан сўнг талаба қандай фаолиятни қандай шароитларда бажара олиши кўрсатилади. Натижалар узвий бирликка эга бўлиб, ўқитиш мақсадларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши лозим. Натижаларни текшириш жараёнида бир неча кўникмаларни эгалланиши назарда тутилиши лозим. Одатда бир модул 3-5 турдаги кўникмани эгаллашга қаратилган бўлиб, уни эгалланганлиги мақсадга эришилганлик даражасини кўрсатади. Эришиладиган натижалар аниқлаштирилган мақсадларни шакллантириш қоидалари асосида шакллантирилади.

### **1. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.**

- 1.1. **Баҳолаш мезонлари.** Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқитиш натижаларига мос ҳолдаги фаолият тури ишлаб чиқилиши лозим. Ҳар бир натижани текшириш мезонлари 4 ёки 6 тадан ошмаслиги тавсия этилади.
- 1.2. **Ўзлаштириш даражаси.** Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб яқилади, баъзи ҳолларда уни ишлаб чиқиш шарт эмас, агар у баҳолаш мезонларида кўрсатилган бўлса. Ўзлаштирилганлик даражасини исботловчи эришилган натижа турли

<sup>4</sup> Проворова О.Г.Принципы модульного обучения. Красноярск-2006-32 с.



кўринишда бўлиши мумкин. Ўзлаштириш объекти- тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.

1.3. **Модулга кириш назорати.** Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.

1.4. **Ўқув жараёнини давомийлиги.** Давомийлик Ўқув соатлари ёки заҳёт бирликлари кўринишида акс этади.

1.5. **Баҳолаш.** Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Баҳолаш тизими модулнинг характеридан келиб чиқиб танланади.

1.6. **Модулнинг тушунтириш хати.** Ушбу хат тавиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Проект, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

## 2. **Ўқув материали.**

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида акс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар ўз аксини топади. Қайтар алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли, лўнда ва кўргазмали бўлиши лозим.

Модулли таълим индивидуал ёндашув воситасидир. Талаба мустақил равишда ёки педагогнинг маълум маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда қўйилган дидактик мақсадга эришади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Ўқитувчига ўзлаштириш жараёнини тўғри баҳолаб бориш, талабанинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг тараққиётини кузатиб бориш масъулият юклатилади. Талаба фаолиятини самарасини баҳолаш, ўз вақтида коррективлар киритиб туриш лозим.

### **Модулни таркибий қисмлари:**

1. Модулни номи.

2. Модулни ўзлаштиришдан мақсад.

3. Модул билан ишлаш учун методик тавсиялар.

4. Назарий ахборот банки ва таянч тушунчалар.

5. Семинар, амалий ва лабаратория ишларининг мазмуни, топшириқлар ва уларни бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар.

6. Жорий назорат топшириқлари.

7. Индивидуал ҳолда бажариладиган мустақил топшириқлар.

8. Ёзма назорат вариантлари.

9. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

10. Талаба йиғиши мумкин бўлган рейтинг баллари.

Хулоса қилиб айтганда, модулли ёндашувнинг **мақсади** - ахборотни ўзлаштириш, идрок этилган ахборотни мустақил таҳлил қилиш, ўз мустақил

фикрларини билдиришни тақазо этувчи ва қисқа муддатда оптимал усуллар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришишдир<sup>5</sup>.

### 1.3. Модулли таълимда маслаҳатлар тизими ва таълим инновациялари.

Модулли таълим юқорида айтиб ўтилганидек “субъект-субъект” муносабатларига қурилган. Шу сабабали талабаларнинг мустақил фаолиятига қатъий эътибор қаратилади. Талаба мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизими талаб қилинади. Шу сабабли хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари такомиллашиб борди ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

**Тьютер** - ( лот. *tutorem* – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

**Эдвайзер**- (*advisor* - қадимги француз сўзи “*avisen*”, “ўйламоқ” сўзидан олинган) индивидуал ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориш, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.

**Фасилитатор** (ингл. *facilitator*, лот. *facilis* — «енгил, қулай» деган маънони билдиради) — **фасилитатор** гуруҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади. У гуруҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гуруҳда соҳлом коммуникацияни ўрнатиши, гуруҳда ишлаш қоидаларига ва регаментларга амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гуруҳда қулай психологик муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиз забон мамлакатларининг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаторлар ассоциацияси (*The International Association of Facilitators*) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди. Қозоғистон миллий тиббиёт университетида бўлажак шифокорларни касбий фаолиятини моҳиятини чуқур тушиниши ва ўз шахсини мутахассис сифатида тараққиётини таъминлашда психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Фасилитатор фаолияти ҳар қандай тренингнинг таркибига киради. Турли амалий фаолиятларни онлайн тизимида, гуруҳларда ташкил этиш жараёнида фасилитаторлик хусусиятлари ўз аксини топади.

**Модератор** - ( лот. *moderor* — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

---

<sup>5</sup> Карпов В. В. Инвариантная модель интенсивной технологии обучения при многоступенчатой подготовке в вузе. — М.; СПб.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 1992. — 141 с.

**Супервизор**- куйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

**Супервизия** — бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда туттади. Бу фаолият айниқса психотерапевтларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Супервизия касбий компетентликни оширишга, билим, кўнкмаларни янада такамоллаштиришга ва шахсий камолотга эришишга ёрдам беради. Баъзи мутахассисликларни ўқув режасида (Клиник психология) “Супервизорлик ” курси ўқитилади. У мажбурий амалий курс ҳисобланади. Умуман олганда, юқорида қайд этилган тушунчалар бир маъно ва бир вазифани ўзида акс эттирмайди. Улар орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Улар ҳаммаси маслаҳат тизимида эга бўлиб, қандайдир фаолиятга урғу берган ҳолда олиб борилади. Лекин турли олийгоҳларда ушбу фаолиятлар турлирча номланиши ҳам мумкин.

Кейинги вақтларда модулли таълим тизимида комплекс ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилмоқда. Бугунги кунда аралаш таълим инновация сифатида кириб келмоқда.

Деклан Берн "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди- ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли методикалардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, индивидуал ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала танланган методикаларнинг ўзаро муносабати таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Аралаш таълим кўпроқ тренингларни ташкил этишни талаб этади. Тренингларни ташкил этишда куйидаги босқичларга эътибор қаратиш лозим:

1. Тайёргарлик босқичи.
2. Мақсадларни аниқлаб олиш босқичи.
3. Тренингни ўтказиш босқичи.

Бугунги кунда blended learning таълими деганда кундузги анъанавий таълим ва масофавий таълимнинг элементларини комбинацияси ҳам тушунилмоқда. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланди. Айтиш жоизки, ахборот технологияларининг таълим тизимидаги аҳамияти беъқиёс, тобора унинг янги кўринишлари таклиф этилмоқда. Таълим тизимида ушбу технологияларнинг кириб келиши тарихига назар ташласак.

XVIII аср охирида Европада, мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи ва кўпчилик аҳоли учун имкониятли бўлган почта алоқасининг жорий қилиниши натижасида “корреспондентлик ўқуви” пайдо бўлди. Ўқувчилар почта орқали ўқув материаллари олар ва ўқитувчилар билан ёзма алоқа олиб борардилар ҳамда илмий иш шаклида ёки ишонч билдирилган шахсга имтиҳон топширардилар. Россияда бундай шакл XIX аср охирида пайдо бўлди. XX аср боши технологияларнинг жўшқин ривожланиши радио ва телевидениенинг

пайдо бўлиши масофавий ўқитиш усулларига янги ўзгаришлар киритди. Бундай технологияларнинг кириб келиши жамият ҳаётининг кескин ўсиши билан боғлиқ бўлиб, ўқувчилар аудиторияси бир неча юз баробар ошиб кетди. XX асрнинг 50-йилларидан ўқув-телекўрсатувлар ташкил қилина бошлади. Бироқ телевидение ва радиода олиб борилаётган бундай ўқув машғулотларининг жиддий камчилиги мавжуд эди, яъни ўқувчида қайтарув алоқа олиш имкониятлари мавжуд эмас эди. 1969 йил Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб масофавий таълим университети очилди. Университет "Буюк Британия очик университети" деб номланди. Унинг бундай номланишининг сабаби, машғулот аудиторияларига тез-тез бориш зарурияти бўлмаган ҳолларда, юқори бўлмаган ҳақ ҳисобига масофавий билим олиш имкониятларини очиш эди.

Хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиш дастурлари асосида фаолият юритувчи машхур университетлар вужудга келди. Жумладан, University of South Africa 1946. Fern Universitat in Hagen (Германия, 1974). Миллий технология университети АҚШ 1984 (инженер мутахассислиги бўйича дастурлар асосида масофавий машғулотлар олиб борилади)), Хаген очик университети (Германия), ИНТЕС коллеж Кейптаун (ЮАР), Испания масофавий ўқитиш миллий университети, Британия очик университетининг очик бизнес мактаби, Австралия худудий ахборот тармоғи ва ҳоказолар. Масофадан ўқитиш таълимининг оммавийлашувида Интернет ("on-line")нинг роли, телекоммуникацияларнинг ўрни, барча инсонларнинг Интернетга баробар очик ташрифи учун йўлак WWW (Web) технологиясини яратган олим Тим Бернерс Лининг хизмати бекиёсдир. Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукамал шаклланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади. Дунёда интерактив таълим олишнинг кўплаб базалари вужудга келяпти. Жумладан, Британия очик университетига қарашли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириш мумкин. Дистант услубида Халқаро Кенгаш фаолият кўрсатаяпти, "D – Learning" – масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони тобора ортиб борапти. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини соддалаштириш ва автоматлаштириш билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар ҳар хил ўйинлар шаклида пайдо бўлди.

XXI аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишнинг тезкорлик ва соддалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай ўқувчи билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо бўлди. Тезкор интернетнинг тарқалиши ўқиш учун "онлайн" семинар тизимига ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиш тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитишни амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш кунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий

кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашишни изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформация моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиш технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформация модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ўзида мужассам қилади.

Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди балки, улар билан мулоқотга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

- 1.Бугунги кунда олий таълим тизимида қандай муаммолар тизимини биласиз?
- 2.Олий таълим тизми тайёрлаётган мутахассисларга қандай баҳо берасиз?
3. Олий таълим тизимидаги мавжуд ўқув жараёнига қандай ўзгартиришлар киритиш керак?
4. Модернизация нима?
5. Модернизациянинг қандай турлари бор?
6. “Модернизация” тушунчаси “инновация” тушунчасидан нима билан фарқ қилади?
7. Олий таълимни модернизациялашга йўналтирилган чора-тадбирлар қайсилар?
8. Модулли таълимга изох беринг.
9. Модулнинг қандай тамойилларини биласиз?
- 10.Инновация жараёнига изох беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. М.:ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.
- 2.Селевко С. Современные образовательные технологии, Москва.1998.-75-90 с.
- 3.Махмутов, Ибрагимов, Чошанова "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань,1993.- 75с.
- 4.Очилов М. "Янги педагогик технологиялар",Қарши,2000.
5. Голиш Л.В."Замонавий педагогик технологиялар"., М. 1999.

6. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
7. Ермолаева Е.И.Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. Пензинский университет. 2010.- 75с.
8. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011. – 144 с
9. Тимофеева Ю.Ф. Роль модульной системк вкшего образования в формировании творческой личности педагога-инженера.// Вкшее образование в России. №-4,1993, с119.
- 10.Соколов Е. Модульная профессиональная подготовка: Резервк оптимизации // Новке знания.-2000.-№ 3.
- 11.Трофимов В, Ломова И. Методология разработки модульнкх курсов // Новке знания.-2000.-№2.

## **2-Маъруза**

**Мавзу: Олий таълим тизими ўқув-услугий фаолиятига инновацион таълим технологияларини жорий этиш (2 соат)**

### **Режа**

1. Инновацион таълим технологияларнинг мақсади ва вазифалари.
2. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш қоидалари.
3. Технологик ёндашув концепциясида назоратнинг ўрни.

**Таянч тушунчалар:** инновация босқичлари, технология, ўқув лойиҳалари, аниқлаштирилган мақсадлар, такономия, тест, гетероген, гомоген, интегратив, адаптив.

### **2.1. Инновацион таълим технологияларнинг мақсади ва вазифалари.**

Йигирманчи асрнинг сўнгги йилларида жаҳон миқёсида таълим соҳасида юзага келган қуйидаги “инқироз” ли ҳолатлар “қўллаб-қувватловчи” таълимнинг муқобили сифатида “инновацион” таълимни ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлди. Турли давлатларда унинг хилма-хил шаклда намоён бўлишида қуйидаги умумий жиҳатлар ёрқин намоён бўлмоқда:

1) ижтимоий амалиёт ривожланиши эҳтиёжлари ва олий таълим битирувчиларининг реал тайёргарлик даражасининг ўзаро мослигини таъминлаш;

2) олий таълим муассасаларида янги мақсадларнинг қўйилиши ҳамда бошқарувнинг ташкилий тузилиш ва шакллариининг мураккаблашуви;

3) таълим жараёни субъектларининг қизиқиш ва имкониятларининг ортиши.

Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажакка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришдир. Ж.Боткин бошчилигидаги олимлар гуруҳи “Рим клуби” маърузасида

инновацион таълимни анъанавий, яъни “норматив” таълимга муқобил сифатида билимларни эгаллашни асосий тури сифатида тавсифлади. Нормативли таълим “такрорланувчи вазиятларда фаолият хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришга йўналтирилган” бўлса, инновацион таълим янги вазиятларда биргаликда ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантиришни кўзда тутди.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Технология” юнонча сўз бўлиб, “*techne*” – маҳорат, санъат ва “*logos*” – тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. “Таълим технологияси” иборасининг маъноси – (инглизча “*An educational technology*”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология – бу таълим шакллари жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир” (*ЮНЕСКО*).

“Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” (*М.В.Кларин*).

“Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади” (*Г.К.Селевко*).

“Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради” (*Б.Т.Лихачев*).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” (*В.П.Беспалько*).

“Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи” (*И.П. Волков*).

“Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси” (*В.М.Шепель*).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён барқарорлигини ошириб, бу жараён иштирокчисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”. (*В.М.Манахов*).

“Педагогик технология - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш

учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир”. (М.О.Очилов).

“Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни” (Н.Саудахмедов).

“Педагогик технология бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир” (Ў.Қ.Толипов).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади. Мазкур жараёнда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- *тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси*: таълим олувчиларнинг таълим жараёнидаги хатти-ҳаракатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши кутиладиган хатти-ҳаракатларга тўла мос келади;
- *ўхшаш амалиёт қоидаси*: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган хатти-ҳаракатларини ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳиятан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;
- *натижаларни аниқлаш қоидаси*: таълим олувчига унинг ҳар бир хатти-ҳаракатининг мазмунини баҳолаш натижалари бўйича маълумот бериш, мазкур шартга аксарият ҳолларда жорий назоратни ташкил қилиш жараёнида риоя этилади;
- *рағбатлантириши қоидаси*: талабанинг мақбул хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб бориш, педагогик фаолият жараёнида талаба томонидан содир этилган салбий хатти-ҳаракатлар учун унга танбех берилмайди, балки уларни бартараф этиш истагини юзага келтирувчи амалий кўрсатма берилади. Масалан, “яна бир марта уриниб кўр”, “янада чуқурроқ ўйлаб кўр”, “масалани ҳал этишнинг янада осонроқ йўли бор, уни топишга уриниб кўр” ва ҳақозолар.

Таълим амалиётида “педагогик технология” тушунчаси уч даражада қўлланилади:

*Умумпедагогик (макро) даража*. Мазкур даражага мувофиқ келадиган технологиялар яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, таълим тизимининг барча турларида қўллаш имконини беради.

*Хусусий-методик (мезо) даража*. Ушбу даража ўзида маълум бир ўқув фани, алоҳида таълим олувчилар гуруҳи, маълум ихтисосликка мансуб педагогларга йўналганликни акс эттиради.

*Локал даража (микро)*. Мазкур даражага тегишли технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, махсус ўқув кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қилади.

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг



жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикада педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, ақлий ҳужум, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

2) профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим. Оддий бир мисол: профессор-ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотида кластер методини қўллайди. Энг қизиғи, мазкур метод орқали ўқув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати кўп учрайди. Бундан ташқари, уч-тўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод талабаларнинг маълум бир нарса-ҳодиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади;

3) таълим технологияларини яратиш учун профессор-ўқитувчилар ўқув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Барча машғулотларнинг технологик ишланмаларини яратиш жараёнида идентив ўқув мақсадларини вазифаларга айлантириш учун бир хил феъл туркумидаги сўзлар (маълумот бериш, очиб бериш, ёритиб бериш, изоҳлаш кабилар)дан фойдаланиш ўринли бўлмайди. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар Блум таксономиясини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Идентив ўқув мақсадларини ўқув вазифаларига айлантириш кўникмасига эга

бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини муваффақиятли лойиҳалашга эришиш мумкин эмас;

4) олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиш тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллашга зарурият йўқ. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўқув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг технологик ёндашувни нотўғри талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишлари ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошириши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги методик вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш лозим:

1) профессор-ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда кўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий таълимда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;

2) олий таълимда фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интерфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади;

3) педагогика малака ошириш тармоқ марказида “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модулини ўқитишда асосий эътиборни профессор-ўқитувчиларни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ва режалаштира олиш кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришга қаратиш лозим;

4) фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади;

5) олий таълим муассасаларида “Инновацион марказ” фаолиятини йўлга қўйиш, мазкур марказ куч ва имкониятларидан профессор-ўқитувчиларнинг

малакасини ошириш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш мақсадида фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Таълимга инновациялар кириб келиши диалектик тавсифга эга бўлгани учун ҳам янгиликларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга доир вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилувчи инновацион марказ фаолиятини йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан самарали бўлади.

## **2.2. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш қоидалари**

Педагогик технология 30 йилларда анъанавий хусусий йўналишга қарши, аниққроғи бу йўналишдаги ноаниқлик ва юзакиликка қарши чиққан йўналишдир. Бу йўналиш ўз мақсади қилиб аниқ самарали натижага эришишри конкрет йўллариини ишлаб чиқишини кўяди.

Бундай таълим технологиясига эришиш бир қарашда осон бўлиб кўринсада катта педагогик ўзгартиришлар ва илмий тадқиқот ишларини талаб этди. 50 йилларда бу масалани (программированные обучение) программалаштирилшан таълимга ўтиш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилинади.

60 йилларда муаммоли таълим назарияси вужудга келди. Муаммоларни босқичма-босқич ечиб бориш, соддадан мураккабга йўналиш белгиланган кафолатланган натижага олиб келиши керак эди. 60 йилларнинг иккинчи яримида таълим технологияси ғояси вужудга келди ва ушбу ғояни амалиётга олиб келиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Масалан :АҚШ да 1961 йилда «Педагогик технология» журнали, 1971 йилда «Комуникация ва технология» ассоциацияси ташкил этилди. 1971 й. Аудивизуалли комуникация баёни номли журналлар чоп этила бошлади.

Англияда 1964 й. «Педагогик технология ва дастурли таълим» журнали нашр этила бошлади. 1967 й «Педагогик технология миллий кенгаши» ташкил этилди. 1970 й. «Педагогик технология» номли журнал чоп этила бошлади.

Японияда 1965 й «Умумяпон педагогик технология маркази кенгаши» ташкил этилди. «Педагогик технология», «Педагогик технология тадқиқотлари» бўйича журналлар чоп этила бошлади.

Венгрияда 1973 й «Ўқитиш технологияси» номли давлат маркази ташкил этилди.

Педагогик технологияларнинг мақсади,мазмунини ва вазифалари.

Таълим технологияларини ишлаб чиқишда қуйидаги ўзига хос хусуиятларни ҳисобга олиш керак.

- 1.Талаба субъектига алоҳида эътибор бериш .
2. Фаолиятлилилик
- 3.Тизимлилилик (педагогик технология ) тизимлилилик хусусиятига эга бўлиши керак, яъни мантиқий боғланишлар ва яхлитликнинг мавжуд бўлиши
4. Бошқарилувлик хусусияти. Яъни диагностика, режалаштиришга қараб натижаларни коррективлаш, мослаштириш.
5. Самаралилик хусусияти. Натижалари самарали, оптимал куч ва

маблағ талаб этувчи ҳамда стандарт таълимга тўғри келувчи бўлиши лозим.

6. Конспектуаллик хусусияти. Ҳар бир педагог технология чуқур ғояга эга бўлиши, илмий асосланиши лозим.

Педагогик технологиялар шахсга индивидуал ёндошув масаласини олдинга суради ва унга асосланади. Шахснинг индивидуаллигига асосланиш бу шахсни активлигини ошириш, унинг янги хусусиятларни, қобилиятларни кашф этиш ва ривожлантиришдир. Ҳар бир шахснинг танлаш имкониятини ва эркин ривожланиш имконини яратиш. Яъни «Ривожлантирувчи таълимни» ишга тушушини таъминлашдир. Ўз даврида «Хотира мактаби» дан фикрлаш мактабига ўтиш ва ундан кейин «ривожланиш мактабига» ўтиш мақсад қилиб қўйилади. Индивидуал таълимни ривожлантириш натижасида ўз-ўзидан таълим кўп профилли, кўп даражали ёки дифференциаллашган (табақалашган) бўлиб қолади. Бундай ҳолда узлуксиз мониторинг ишга туширилиши шарт.

Агар авваллари битта танлаб олинган троекториядан четга чиққан талабаларни троекторияга солишга ҳаракат қилинган бўлса, эндиликда ҳар бир талаба учун ўз ривожланиш троекторияси ишлаб чиқилиши ва унинг ривожланиш қадамларини назорат қилиб борилиши лозим. Яъни ҳар бир талабанинг ҳар томонлама ривожланиши ўрганилиб сўнг кейинги ривожланиш режалари тузилади.

Педагогик технология бу илмий техникавий тараққиёт меваси бўлиб «Педагогика», «Технология» тушунчаларининг интеграцияси асосида пайдо бўлди.

«Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида 12 йиллик мажбурий таълимга ўтилади. Таълим тизими олдида янги юксак вазифалар қўйилди. Бундай юксак вазифаларни бажариш учун методика педагогик технологиялар билан бойитилиши талаб этиляпти. Бугунги кунда ҳар бир педагогдан юқори самарадорлик талаб этилмоқда. Аммо, илм – фаннинг тез ривожланиши билимлар ҳажмини ошиб бориши ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб этмоқда. Бугунги кунда педагог эски методлардан фойдаланиб юқори самарадорликка эришиши кийин. Шунинг учун ҳам биз талабаларни янги педагогик технологиялар билан таништиришимиз уларарни бу борадаги малакалар билан куроллантиришимиз зарур. Бўлажак ўқитувчилар нафақат методика балки педагогик технологиялар билан танишиши ва улар бемалол қўллай олиш даражасига етишлари талаб этилади.

Бугунги кунда педагогик технологияларга жуда катта талаб қўйилмоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” юқори малакали кадрларни тайёрлашни талаб этаётган бир вақтда кафолатланган самарали натижани вужудга келтирувчи йўналиш жуда катта аҳамият касб этади. Фақат кафолатланган самарали натижага асосланган таълим тизимигина малакали кадрларни етказиш мумкин. Шунинг учун ҳам педагогик технологияларни янада мукамаллаштириш. Янги технологияларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Айниқса, тарбия борасида педагогик

технологиялар кам ишланган. Баъзи технологияларда аниқлик етишмайди. Педагогнинг маҳоратига ҳам бугунги кунда талаблар ошиб бормоқда. Педагогдан нафақат ўз психикасини ва нутқ маданиятини бошқариш, балки талабаларнинг психик ҳолатини бошқариш талаб этилмоқда. Бу вазифани бажариш учун эса педагог талабанинг психикасини ўта нозик жиҳатларини ўрганиши ва ҳар бир талабанинг қалбига йўл топа олиш лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида тинмай меҳнат қилиши керак.

Педагогик технологияларнинг ишланишида асосий эътибор охириги натижага қаратилган бўлади ва қуйидаги изчилликда ишлаб чиқилади:

1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш ва уларни гуруҳларга ажратиш .
2. Ўқув мақсадларини назорат иши ва тест вазифаларига ўтказиш.
3. Мақсадга эришиш йўлини ва усулларни танлаш.
4. Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш.



Демак, педагогик технологиялар анъанавий таълимдан тубдан фарқ қилган ҳолда тузилади. У ўзаро ёпиқ циклни ва ўзаро изчил боғлиқликни тақозо этади. Аниқлаштирилган мақсадлар педагогга назорат ишини белгилашда, баҳолашда ва усулларни аниқлашда катта имкониятлар яратади. Барча этаплар бир мақсадга бўйсунди ва юқори натижани кафолатлайди.

Анъанавий таълим тизимида ўқув жараёнида умумлаштирилган ўқув мақсадлари белгиланади. Масалан: экологик маданиятни шакллантириш, сув хавзаларини муҳофаза қилиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Кўриниб турибдики, бундай қўйилган мақсад мавхум характерга эга, чунки тушунча турли даражада ҳосил қилиниши мумкин. Бундай мақсадни текшириш ва баҳолаш ҳам муаммоли. АҚШ да ва Англияда ўқитувчи ва талабалар учун алоҳида аниқлаштирилган мақсад тузиш қабул қилинган. Ҳар бир қўйилган мақсадни эришганлик даражасини меъёрларни ишлаб чиқиш шарт. Ҳар бир қўйилган мақсад алоҳида ўз мазмунига мос равишда текширилади ва натижалар таҳлил қилиниб хулосалар чиқарилади. Бунинг учун таълимда аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқиш зарур. Умумий мақсадларни эса текшириш қийин ва бунда ҳар бир ўқитувчи ўз тушунчасидан келиб чиққан ҳолда текшириш ишларини ташкил этади. Умумий мақсад ўқитувчи нимага эришмоқчи эканлигини аниқ кўрсата олмайди, ўқувчида эса умумий

тушунчалар ҳосил қилишгагина хизмат қилади.

Аниқлаштирилган мақсадларни белгилаб олишда ўқитувчи аниқ тушунчалардан фойдаланиши лозим. Бунинг учун аниқ ва мавхум тушунчаларни ажрата олиш керак.

Баъзан талабалар оғзаки эмас, балки ёзма ишлар бажарадилар бундай ҳолда ҳам аниқ мақсадларни белгилаш мумкин.

Агар ёзма текст билан ишлаш лозим бўлса қуйидаги аниқ мақсадларни белгилаш тизими тавсия этилади.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари албатта биринчи галда қандай назорат иши *орқали* текширилиши аниқланиши керак. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда тест ва назорат ишлари танланади. Танланган назорат ҳар бир мақсад учун алоҳида қўлланилади. Масалан, биринчи кўйилган мақсад учун алоҳида, кейинги мақсадга эришиш учун алоҳида назорат иши топширилиши керак. Барча назорат ишлари умумлаштирилиб, охириги баҳолаш маълум қилинади. Лойиха уч қисмдан иборат:

1. Лойиха модули.
2. Лойиханинг харитаси.
3. Иловалар.

### **2.3. Технологик ёндашув концепциясида назоратнинг ўрни**

Нazorат жараёни технологик ёндашувда ўзига хос жиҳатларга эга. Назорат жараёни мақсадларга мос ва қисқа вақтда ўтказилиши талаб этилади. Шу сабабли тезкор назорат усулларидан фойдаланиш зарур. Тезкор усуллардан бири тест назоратидир.

Тестология – (инглизча сўздан олинган бўлиб, *test* — синов), юнонча *logos* — билим) сўзлари бирикмасидан иборат. Тестология фанлараро фан бўлиб, илмий асосланган ва сифатли диагностик ўлчов методикаси ҳақидаги фан саналади.

Тестология фанининг объекти:

1. Тест топшириқларини тузиш жараёни;
2. Тест топшириқларини амалиётга жорий этиш ва ўтказиш жараёни;
3. Тест топшириқларидан олинган натижаларни умумлаштириш жараёни саналади.

Тестларни ишлаб чиқиш тамойиллари:

- самарадорлик,
- вариантлик,
- ишончлилик,
- ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос хусусиятлари,
- фаннинг таълим мазмуни,
- тестларнинг мантиқий тузилиши,
- тест синовининг ўтказилиш мақсади,
- касбий ва умумтаълим билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва ўлчови эътиборга олинади.

Тест методининг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига унинг қуйидаги афзалликлари асос бўлди:

- Тест топшириқлари тадқиқот мақсадига мувофиқ респондентларнинг билим, кўникма ва малакаларига аниқ баҳолаш имконини беради;
- Ижтимоий сўровларда иштирок этган кўпсонли респондентларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ва умумлаштириш имконияти мавжуд;
- Таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёни объектив амалга оширилади, баҳоловчи томонидан субъектив ҳолатларга йўл қўймаслик.
- Турли гуруҳ респондентларидан олинган маълумотларни қиёсий-статистик таҳлилни ўтказишга замин яратади.

Инсонлар ўратасидаги психологик фарқларни аниқлаш 19 аср психологиясига оид бўлиб, уни биринчилар қаторида Ф.Гальтон ишлатишга ҳаракат қилган. У “квалиметрия», яъни ўлчаш деган тушунчани фанга киритди. Педагогикада тест асосида ўлчашни ўрганувчи фан тестология деб аталади. 1864 йили бинринчи марта педагогик тест ДЖ.Райс томонидан орфография учун ишлаб чиқилди. Т.Стоун томонидан арифметика фани учун тест ишлаб чиқилди. 1902 йили Э.Торндайк педагогик тестларнинг назарий асосларини ишлаб чиққан.

1961 йили АҚШда 2000 дан ортиқ стандарт тестлар ишлаб чиқилди. Жаҳон тест компанияси ташкил топди (Educational Testing Service)

1925 йили Россияда “Мақтаб ишлари методикаси” институтида тест комиссияси ташкил этилди.

1926 йили биринчи стандарт тестлар яратилди.

1936 йили "тест" методи буржуазия элементи сифатида қабул қилиниб, ундан воз кечилган. В 60- йилларда Россия педагоглари яна тестларга мурожат этишни бошладилар.

20 асрнинг бошида Америкалик олим В.А.Макколл психологик ва педагогик тестларни ажратади

1915-1930 йилларда Америкада тестология фани жуда тез тараққий этади ва мактабдаги барча фанлардан миллий тестлар ишлаб чиқилади.

**Педагогик тест бу** – талабанинг тайёргарлик даражасини сифатли ва самарали ўлчовчи, мураккаблашиб боровчи махсус топшириқлар тизимининг шаклидир.

Тест топшириқлари камида қуйидаги талабаларга жавоб берган ҳолда тузилиши лозим:

- ахборот материалининг мазмунига тўғри келиши;
- тест тузиш қоидаларига риоя қилган ҳолда тузилган бўлиши;
- амалиётда апробациядан ўтказилган бўлиши;
- талабалар учун тушунарли бўлиши лозим.

Тестларни апробациядан ўтказилаётганда учта **мезон** (критерий) ҳисобга олиниши лозим:

- **Ишончлилик** (бир хил шароитларда натижаларнинг қайтарилиши).

**-Валидлик** (тестларнинг танлаб олинган маълум мақсадга қаратилганлиги).


**-Объективлиги** (шароит ва талабларнинг бир хил қўйилиши).

Тест тузиш жараёнида қуйидаги қисмларига алоҳида аҳамият бериш керак:

1. Инструкция қисми (тест топширувчи қандай белгилар қўйиши тестнинг ишлаш тартиби аниқ кўрсатилади).
2. Тест топшириқлари (тест мазмуни ўқув ахаборотини мазмуни билан белгиланади).
3. Жавоблар қисми.

Бундан ташқари тест кимлар учун, қандай фан бўйича тузилганлиги, тестни ечиш учун қанча вақт ажаритилганлиги, тест тузувчини исми, шарифи кўрсатилшиши лозим.

Тестнинг шаклига кўра турлари мавжуд (1-расм).



1-расм. Тестнинг шаклига кўра турлари

Тестнинг ёпиқ типига кирувчи тест шакллари керакли сўз, рақам, формула ёки иборани ёзиб қўйишни талаб этади.

Тестнинг очик типидида бир варинатли ёки бир неча тўғри жавобли вариантларни аниқлаш, элементлар ўртасида мосликни ўрнатиш, тўғри ёки нотўғри элементларни ажаратиб олишни ҳамда тўғри кетма- кетликни ўзрнатиш талаб этилади.

Тест топшириқларига қўйиладиган асосий талаб, ҳар бир тест топшириғи:

- муайян мазмун;
- таркиб;
- яхлитлик ва структура;
- топшириқни бажариш тартиби, қондаси,
- топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали;



- тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлиши зарур.

Тест топшириқларининг яхлитлиги у бир мавзу, боб, бўлим ёки курс мазмунини қамраб, уларни назорат қилиш имкониятига эга эканлигида кўзга ташланади.

Тестларни тавсифи:

Стандарт тестлар

Ностандарт тестлар

Педагогик тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра: гомоген ва гетероген тестларга ажратилади.

Гомоген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

Гетероген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими.

#### **Тестлар характериға кўра:**

1. Интегратив тестлар (Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади).

Адаптив тестлар (Адаптив тестлар автоматлаштирилган, таҳсил олувчиларга нисбатан индивидуал ёндашиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.) Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, таҳсил олувчининг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модул-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратиға эга бўлиши лозим.

1. Мезонли-мўлжал олиш тестлари (Мезонли-мўлжал олиш тестлари таҳсил олувчиларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади).

#### **Тест топшириқлари мазмунини танлаш принциплари:**

1. Тест топшириқлари мазмуни синов мақсадига мослиги принципи.
2. Назорат ва баҳоланаётган билимларнинг муҳимлиги принципи.

3. Мазмун ва шакл бирлиги принципи
4. Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги принципи
5. Тест топшириқлари мазмунида ўқув курси мазмунининг қайта тақдим этилиши принципи.
6. Тест топшириқлари мазмунига фаннинг ҳозирги замон ҳолати мослиги принципи.
7. Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши принципи.
8. Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги принципи.
9. Тест топшириқлари мазмунининг вариантвлиги принципи

#### **Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар:**

- Тест топшириқлари мазмунининг тўғрилиги;
- Саволнинг мантиқий жиҳатдан тўғри танланиши;
- Тест топшириқлари шаклининг тўғрилиги;
- Тест топшириқларидаги савол ва жавобнинг қисқалиги;
- Тест топшириқларидаги элементларнинг тўғри жойлашганлиги;
- Тест топшириқларининг тўғри жавоблари бир хил баҳоланиши;
- Таҳсил олувчиларга тест топшириқларининг бажарилиши бўйича бир хил кўрсатма берилиши;

#### **Турли даражадаги ва шаклдаги тест топшириқларини ишлаб чиқиш йўллари**

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони.

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттириб, у таҳсил олувчилар томонидан мазкур хусусиятларни аниқлаш учун бажарадиган ақлий операцияларига кўра:

- Оддий даража;
- Репродуктив даража;
- Продуктив даража;
- Ижодий (креатив) даражада бўлиши мумкин.

Оддий тест эслаш, ёдда сақлаш, таниш каби психик жараёнларнинг боришини таъминловчи тест бўлиб, билимларни мустаҳкамлайди.

Репродуктив даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчиларнинг хотирасида сақланган билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда ахборотларни қайта ишлагандан жавоб қайтаришни талаб этади.

Бу даражада тузилган тестлар таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни аниқ баҳолаш имконини бермайди.

Продуктив даражада тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш, умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этади. Продуктив даражадаги тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ўрганилган объектларнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш, мазкур

объектларни таққослаб, кейинги объектнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш, қисман изланиш олиб боришни талаб этади. Таҳсил олувчилар томонидан мазкур даражадаги тест топшириқларига жавоб беришда аввал ўзлаштирилган билимлар янги вазиятларга кўчирилади.

Ижодий (креатив) даражада тузилган тест топшириқлари таҳсил олувчилар томонидан ижодий фикр юритиш кўникмаларига эга бўлиш, мазкур тест топшириқларини бажариш жараёнида таҳсил олувчилар томонидан аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллашни талаб этади.

Очиқ типдаги тестлар шаклига кўра:

- Битта тўғри жавобли тестлар
- Бир нечта тўғри жавобли тестлар
- Мутаносибликни ўрнатишга қаратилган тест
- Изчилликни ўрнатишга қаратилган тест.

Ёпиқ типдаги тестлар шаклига кўра:

- Тўлдирувчи тестлар
- Давом эттирувчи тестлар.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Назорат жараёнини ташкил этишга қўйилаётган замонавий талаблар тизими нималардан иборат?
2. Назоратнинг шакллариغا изох беринг.
3. Тест назоратининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатинг.
4. Тест топшириғига қўйилади агар талаблар тизими нималардан иборат?
5. Тестнинг қандай турларини биласиз?
6. Тестнинг мураккаблик даражалари қандай?
7. Тестнинг қандай шаклларини биласиз?

## Адабиётлар рўйхати

1. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. М.:ГЭОТАР-Медия» 2008.- 43 с.
2. Селевко С.Современные образовательные технологии,Москва.1998.- 75-90 с.
3. **Махмутов, Ибрагимов, Чошанова** "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань,1993.- 75с.
4. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет.
5. Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари – Т.: “Фан ва технология”, 2006й.
6. Трофимова З.П. Основы методологии и методики построения педагогических тестов: учеб. - метод. пособие / Под ред. А.В.Макарова. — Мн: РИВШ, 2005. — 60 с.

7. Майоров А.Н. Теория и практика создания тестов для системы образования. (Как выбирать, создавать и использовать тесты для целей образования). — М.: Интеллект-центр, 2001. — 296 с.
8. Михайлычев Е.А. Дидактическая тестология. — М.: Народное образование, 2001. — 432 с.
9. Чельшкова М. Б. Теория и практика конструирования педагогических тестов: Учебное пособие. — М.: Логос, 2002. — 432 с.

### **3-Маъруза**

#### **Мавзу: Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар (2 соат)**

##### **Режа**

1. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар.
2. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар.

**Таянч тушунчалар:** дидактик ўйинлар, кластер, ВЕН диаграммаси, “Т”-схема, Зиг-заг, инсерт, БББ-жадвали, концептуал жадвал, кейс-стади, лойиҳа.

#### **3.1. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар**

Мустақил таълим муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малака шакллантиришни ўзлаштириш даражасини амалга оширувчи таълим шакли бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари, билимлар тақсимотига тайёргарлиги асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги схемада келтирилган мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Талаба томонидан мустақил равишда жавоб ёзишни (реферат ёки ҳисобот шаклида) талаб этувчи саволлар ишлаб чиқилади. Талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар ишлаб чиқилади. Мустақил ишларни уч турга ажратиш мумкин:

Ёзма мустақил топшириқларга қуйидагилар киради: ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

График мустақил топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: турли лойиҳаларни тайёрлаш чизмачилик ишларини эскизлаш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш, (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва х.з), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва

шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Амалий характердаги мустақил топшириқларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин: Ўқувчилар ўқитувчи топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширадilar. Мустақил ишлар мураккаблик даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифаларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалари билан ишлаш, конспект тайёрлаш.

Типик топшириқларни ечиш. Бунда талаба аввалги билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайтаради.

2. Ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди. Масалан: масала, машқ ечиш;

3. Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Талаба ўрганган билимлардан янги шароитда фойдаланади. Шароитларда маълум умумийлик бўлиши мумкин.

4. Ижодий фаолиятга асос яратиш. Бунда талаба ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янги муносабат, боғланишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга боғлайди<sup>6</sup>.

Барча мустақил ишлар ўқувчиларда ижодий ишлаш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган. Ўқувчи ижодий ишлашга ўргатилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан кўчириб келиш билан кифояланиб қолиши ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши мумкин.

Бугунги кунда мустақил иш сифатида кўпроқ репродуктив топшириқлар берилди, аммо ижодий фаолиятни талаб этувчи топшириқлар камдан-кам ҳолда қўлланади. Натижада ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилияти шакллантирилмайди.

Мустақил ишларни индивидуал - дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда ўқувчилармақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар - ахборотларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2) Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилди.

3) Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб

---

<sup>6</sup>Рочипский В.М. "Азбука педагогического труда" М: 2000. стр 33.

қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиладиган вазифалар берилади.

#### 4) Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унғача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек мустақил ишлар ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамлашга, малака ва кўникмаларни шакллантиришга катта хисса қўшади. Бугунги кунда малакали мутахассис тайёрлаш жараёнини мустақил ишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, айнан мустақил ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларда танқидий, ижодий фикрлаш рефлекслари ривожлантирилади. Аммо мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида маълум қийинчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд:

1. Тарқатма материалларни тайёрлаш масаласи. Педагог томонидан тайёрланган тарқатма материаллар ҳар бир талаба учун кўпайтирилиши лозим. Груҳда ўқувчилар сони ўртача 20 та бўлиши мумкин. Ҳар бир тарқатма материални 20 тадан кўпайтириш учун маълум маблағ талаб этилади. Педагог ҳар гал ўз ҳисобидан маблағ ажартиш имконига эга эмас.

2. Дарс жараёнида ташкил этилувчи мустақил ишларни баъзан кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш усулидан фойдаланган ҳолда ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун кичик гуруҳларда ишлашга қулай аудиториялар талаб этилади, аммо бундай имкониятлар олийгоҳларда ҳозирча йўқ.

3. Кўпчилик педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш маҳоратига эга эмас.

4. Инсоннинг ривожланишини ва шахс сифатида шаклланишининг асоси фаолиятдир. Фаолият жараёнида қанчалик кўп саволлар ва қизиқиш вужудга келса, шунча катта ривожланишни кутиш мумкин. Фаолият жараёнида тафаккурда сифат ўзгаришлар рўй беради. Яъни дунё ҳақидаги тасаввур ва тушунча бойиб боради. Эмоционал хотира ўрнига мантиқий хотира вужудга келади. Бевосита идрок ўрнини мақсадга қаратилган кузатиш эгаллайди. Тасаввур ижодий характер касб этади. Фаолиятда мотив катта ўрин эгаллайди. Мотив хилма-хил бўлиши мумкин бу қизиқиш, жавобгарликни сезиш, мусабакаланиш каби мотивлар бўлиши мумкин. Ўқув жараёнида мустақил ишларни ташкил этар эканмиз ўқувчиларда биринчи галда мотивацияни уйғотишга эътибор қаратишимиз лозим. Мотивация шахсни ҳаракатлантирувчи кучдир. Аммо бугунги кунда педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида ана шу омилга камроқ эътибор қаратадилар. Бу эса ўз-ўзидан мустақил ишларни самарадорлигини пасайишига олиб келади.

5. Мустақил ишларни бажариш учун ўқувчилар талаб этилувчи билимлар билан яхши қуролланган, мавзуни чуқур ўзлаштирган бўлишлари лозим. Агар маъруза дарсида талаба етарли тушунчага эга бўлмаган бўлса, у топшириқни ижобий ҳал этиш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун мустақил ишларни ташкил этишда аввалам бор билимларни фаоллаштириш, эслаш, коррективировка қилиш ва ягона хулосага келиш мақсадга мувофиқ.

Мустақил фаолиятни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи кўпроқ дидактик

материаллардан фойдаланади. Дидактик материалларга ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар ўйинлар, красвордлар каби материаллар киради (1-расм).



1-расм. Дидактик материаллар (муаллиф).

Шунингдек ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, амалий ишни ташкил этиш буйича технологик хариталар киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
2. Тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш;
3. Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
4. Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мўлжаллаш;
5. Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ўрганишни таъминловчи ва амалиётларни ўтказишга йўналтирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Буларга йўналтирувчи матнлар, лойиҳалар ва модулларни мисол қилиш мумкин. Бу ўқув материаллари ўқувчиларни мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятига йўналтиради. Ўқув материаллари ўқувчиларнинг фанга тегишли фаолият усули бўйича назарий маълумотлар билан бир қаторда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун турли хилдаги, ҳажмдаги ва мураккабликдаги савол ва топшириқлар тизимини қамраб олиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибига ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик ўйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш диллардан янги хулосалар чиқариш ҳамда янги фаолият усулларини фаолиятда қўллаш билан ажралиб туради.

Муоммали вазиятлар ва ижодий ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда

куйидаги коидаларга риоя этилиши тавсия этилади:

-топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши керак;

-ўқув топшириғидаги муаммони ҳал этишда ўқувчилар ақлий фаолиятини турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутати;

-топшириқлар мазмунида акс этирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак;

-топшириқлар ечимини аниқлаш ва ўқувчилар онгида ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим;

-топшириқларни бажариш жараёнида талаба оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини бериши лозим;

-топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;

-топшириқни бажаришда талаба тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ва ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади.

Мустақил ишлар талабанинг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявий аҳамияти шундаки, талаба ўз билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустақил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Мустақил ишларнинг турлари, шакллари танлашда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавҳумдан-аниқликка” тамойилларига амал қилиш лозим. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир талаба шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материални ўзлаштириш даражаси инobatга олиниши, шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### **“Кластер” методи**

“Кластер” (*гунча, боғлам*) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у Талабаларга ихтиёрий (мавзу)лар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тўзилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

### **Кичик гуруҳчалар усули.**

Бу усулда гуруҳ талабалари неча гуруҳга булинади, ҳар бир гуруҳда 4-5 тадан талаба бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг раҳбари тайинланади. Уларга олдиндан вазифа берилади. Гуруҳ талабалари семинарга биргаликда



тайёрланиб ўз саволларини тўлик очиб беришга ҳаракат қилишлари керак. Бошқа гуруҳлар асосий маърузачига саволлар берадилар, саволларга гуруҳнинг талабалари жавоб беришда ёрдам берадилар. Асосий маърузачи химоясидан сўнг апонентлар саволни янада тўлиқроқ изохлаб беришлари керак. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ талабалари ўзларини фикрларини билдиргач, тадқиқот олиб борган гуруҳга баҳо қўйиб изох беришлари керак. Бундай усулда иш олиб бориш учун гуруҳларни тўзишда талабаларнинг билими тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳ раҳбари қилиб яхши ўзлаштирувчи талабаларни танлаш лозим. Бу усулда талабаларнинг мустақил ишлаши, ижодий ёндашиши, коллектив бўлиб иш бажариш каби малакалари ривожланади. Талабаларнинг ўзаро муносабати чуқурлашади ва индивидуал хусусиятлар намоён бўлиши ортади.

### **«Ақлий ҳужум» методи**

Кейинги пайтда мия иш фаолиятининг фойдали иш коэффициентини оширишга мўлжалланган турли хил методлар ишлаб чиқилмоқда. «Ақлий ҳужум» – «*брейнсторминг*» (*brain storming*) инглизча сўздан олинган бўлиб, фаол таълимнинг, бошқарувнинг ва тадқиқотнинг методларидан бири ҳисобланади. Бу метод ақлий фаолликни кўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.

Бу методнинг пайдо бўлиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизида хизмат қилган америкалик мутахассис А.Осборн билан боғлиқ.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказилиш технологиясини қуйидагича тушунтирса бўлади.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказувчи киши маълум муаммони илгари суради ва иштирокчилардан бу муаммони ҳал қилиш бўйича қандай мулоҳазалари борлигини ҳамда улардан энг кутилмаган фикрларни ҳам илгари суришларини сўрайди. Методни ўтказувчи киши барча фикрларни ёзиб боради. Шу ўринда айтилаётган фикрларга нисбатан танқидий муносабат билдирмайди ва фикрлар охи-ригача ёзиб борилаверади.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказишдан кўзланган мақсадлар қуйидагилар:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни чиқариш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлигига қараб, тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнини намоёиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ижод психологиясида таъкидланадики, ғояларни ишлаб чиқиш жараёнида танқидий фикрлар бу жараёни секинлаштиради. Ҳатто энг кучли ғоялар генератори ҳам танқидчиларга қаршилик кўрсатишга ожизлик қилиши мумкин.

### **“6X6X6” методи**

Бу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар талабани муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. “6x6x6” методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи

томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳ томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

“6х6х6” методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

- гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
- улар томонидан шахсий қараешларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;

– илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири киска вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

### **"Юмалоқланган қор ўйини" методи**

Ушбу метод ҳам мавзунини муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда талабаларда гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- тасвирли карточкалар тайёрланади;
- уларнинг орқа томонига мавзунини ўзлаштиришга оид ўн беш вариантдан иборат топшириқлар ёзилади;

– талабалар икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар (гуруҳларни ҳосил қилишда тасвирли карточкалардан фойдаланилади);

– ҳар бир гуруҳ аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктириладилар;

– ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради;

– жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.

“Юмалоқланган қор ўйини” методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниҳоятда қулай.

### **"Қарама-қарши муносабат" методи**

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

– мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;

– улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;

– тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;

- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

### **"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи**

Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари куйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган куйидаги схема асосида ташкил этилади:

17-шакл

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгаллик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти куйидагича:

- Талабалар гуруҳларга бириктирилади;
- Талабаларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгаллик даражаси ўрганилади;
- Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;
- Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
- ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништирилади;

- Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;
- баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
- машгулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

### **"Зиг-заг" методи**

Метод талабалар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзунинг тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қилади. Методнинг афзаллиги қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

1. Талабаларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади;
2. Мавзунинг ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежсалади

“Зиг-заг” ёки “Бошқаларни ўқитиш” методи

“Зиг-заг” методининг қўлланиш қоидаси қуйидагича:

1 – босқич. Кичик гуруҳлар ташкил этилади.

2 – босқич. Ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига 1, 2, 3 рақамлари ёзилган қозғалар (топириқлар сонига қараб) тарқатилади.

3 – босқич. Ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар алоҳида стол атрофида бирлашади (1,1,1,1), (2,2,2,2), (3,3,3,3) ва ушбу гуруҳларнинг ҳар бирига алоҳида топириқлар берилади (мисол учун 1-гуруҳга методик, 2-гуруҳга илмий, 3-гуруҳга дидактик таҳлил).

4 – босқич. Гуруҳ иштирокчилари белгиланган вақт ораллигида берилган таҳлил турларини пухта ўрганадилар ва ҳар бир иштирокчи “ўқитувчи” даражасига кўтарилади.

5–босқич. Ҳар бир иштирокчи аввалги ўрнига қайтади ва ўзининг пухта ўрганиб келган материални (дарс таҳлили турини) шерикларига галма-галдан тушунтириши керак. Мана шу тартибда дарс таҳлили турлари талабалар томонидан мустақил ўрганилади. Ва бу ишларнинг тақдими ўтказилади.


Дарс таҳлилининг қайси тури бўйича тақдимот қилиш ўқитувчи томонидан белгиланади, яъни гуруҳлар тақдимот қилиб берадилар. Ҳар бир гуруҳлар тақдимотини қолган гуруҳлар баҳолайди.

Баҳолаш мезони максимал – 10 балл. Мазмун – 6 балл, тақдимот – 4 балл. Ҳолиб гуруҳ ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади.

### **“Вен диаграммаси” методи**

Ушбу метод талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. “Вен диаграммаси” методи кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ўзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



Метод талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу методдан муайян бўлим ёки боблар бўйича яқуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Методни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- *Талабалар тўрт гуруҳга бўлинади;*
- *ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;*
- *ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;*
- *топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;*
- *лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар.*

### **3.2. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар.**

Кейинги йилларда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил таълим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки эндиликда таълим беришнинг анъанавий усуллари орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга, фаолликка ўргатиб бўлмайди.

Мустақил таълим олиш технологияси ўзининг конгнитив мазмунига кўра қуйидаги тамойилларга эга:

- касбий йўналганлик;
- ўқув менежменти;
- мустақил ишлашнинг турли шакллари (масалан, касбий фанлар ёки ижтимоий фанлар бўйича тузилган индивидуал дастурлар бўйича таълим олиш);
- ўз-ўзини бошқаришни таъминлаш ва таълим олувчиларининг ижтимоий сафарбарлигини ошириш, ўқувчиларни дидактик қўлланмалар билан таъминлаш;
- таълимда сифатий кўрсаткичларга эришиш мақсадида гуруҳларда фаолият кўрсатишга имкон яратиш;

Таълимдаги касбий йўналганликни таълим мазмунини ўқитишнинг шакл ва методларини охириги мақсад – рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга йўналтириш тарзида тушунмоқ керак. Шу сабабали бу ўринда талабанинг мустақил фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Ўқувчиларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади ўқувчиларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқимида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Ўқувчилар мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг

хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;
- ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;

Ўқувчилар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

Аудиторияда амалга оширилган мустақил ишлар. Ўтилган мавзунини қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустахкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар аудиториядан ташқарида амалга оширилган мустақил ишлар қаторига киради.

Биринчи тур ишлари ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва ҳ.к. усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назорат) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг дарс пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган вазифаларни бажаришдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи тур ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган консультация соатларида амалга оширилади. Курс иши ва лойиҳасини, ҳамда битирув ишларини ташкил қилиш бўйича олиб бориладиган фаолият ҳам аудиториядан ташқарида олиб бориладиган мустақил ишлар қаторига киради.

Мустақил ишлар жорий ўқув жараёни билан биргаликда ва узвий боғлиқликда олиб борилади. Умуман мустақиллик – шахс характерининг хусусиятларидан бири бўлиб, инсоннинг тафаккур тизимида, турли кўринишдаги фаолият ва ҳаракатларида акс этади. Мустақиллик тушунчаси олий ўқув юрти ва лицей талабасига нисбатан айтилганда, унда талаба ўз олдига турган вазифаларни, чунончи бўлажак мутахассис сифатида

шаклланишида эгаллаган барча билимларни янада мустаҳкамлаш ва унга интилиш тушунчасини билдириши мумкин.

Билимларни мустақил равишда эгаллашга интилиш - талаба фаолиятининг энг ажралиб турадиган хусусияти, мустақил ўқиб билим орттириш асоси ҳисобланади. Ўқиб билим эгаллаш ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлик кўриши, ўқишга ижодий томондан ёндашиши демакдир. Мустақил ўқиш ўқув жараёни билан бирга белгиланган дастур ва дарсликлар бўйича, баъзи ҳолларда мазкур дастур ва дарсликлардан четга чиққан ҳолда олиб борилади. Мустақил равишда билиш доирасини кенгайтириш ҳамда кўшимча назарий ва амалий материални эгаллаш талаба эгаллаётган касбий малака ва ишлаб чиқаришда мустақил ишлай билиш кўникмасини орттириш билан чамбарчас боғланган. Агар ўқув жараёни дастурлар ва дарс жадвалида кўрсатилган машғулотлар билан чекланган, олиб бориладиган барча машғулотлар дарс хонасида тугалланадиган бўлса, у ҳолда тайёрланаётган мутахассисларнинг билими бир томонлама бўлган бўлар эди.

Айтиш лозимки, ўқув жараёнининг холис ўзи мутахассислар тайёрлаш учун етарли эмас. Ўқиш жараёни мустақил билим орттириш билан уйғунлаштиригандagina кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Адабиётлар билан мустақил ишлаши, уни ўқиб чиқиб тушуниш, эслаб қолиш нуқтаи назардан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларни (ма-салан, масала ечишни, курс лойиҳаси ва битирув иши лойиҳаларини) ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни топиш нуқтаи назардан қараш керак. Мазкур ҳолда ўқувчилар адабиёт ва бошқа манбалар билан ишлашнинг моҳиятини кўрадилар. Ушбу ҳолат талабанинг ишлаб чиқаришда тезроқ ёндашиб кетишига тегишли шарт-шароитлар яратади.

Мустақил ўқишни аудиториядан ташқарида ташкил этишусули-талабанинг билими, малакаси ва маҳоратини чуқурлаштиришга қаратилган талабанинг уйдаги ҳатти-ҳаракатларидир. Бунга талабанинг мустақил равишда ўқув материални ўзгаларнинг ёрдамисиз ўрганиши, унинг моҳиятини англаши, масалаларни, реферат, курс ишини, битирув ишларини ижодий йўл билан бажариши киради.

Реферат, курс иши ва битирув ишларининг вазифаси махсус фанларидан олинган назарий билимларни мустақил билим орттириш йўли билан амалий мустаҳкамлашдан иборатдир. Ўқувчилар курс иши ёки битирув иши бажаришар экан, улар албатта, чизиш, ҳисоблаш, таҳлил ишлари билан бирга (бир вақтнинг ўзида) бажариладиган ишлар бўлиб, изланишлар ва прогнозлашнинг илғор усуллари асосида мустақил равишда олиб борилади. Курс иши, лойиҳа ва битирув ишларининг, ўқувчилар томонидан мустақил бажарилиши, ўқувчиларнинг лойиҳалаш ишларидаги малакасини оширади ва махсус адабиёт ва билдиргичлардан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатади.

Ўқувчиларда курс ишини бажариш малакасини шакллантириш, ҳамда ўқувчиларнинг иқтисодий муаммони ечишдаги ижодий изланишлари қуйидаги усулларда олиб борилиши мумкин: - муаммони атрофлича ўрганиш, унинг назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва амалий ҳолатдаги четга чиқишларни аниқлаш, ҳатоликларни ахтариш ва уларни йўқотиш йўллари ахтариш.

Мазкур фаолиятнинг ютуғи шундаки, у ўқувчиларни ижодий изланишларга, мулоҳазалар юритишига, янги ечимларни ишлаб чиқишга ундайди.

Бугунги кунда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёни кетаяпти. Шу сабабали битирув малакавий иш мавзулари буюртмачилар билан маслаҳатлашган ҳолда танланмоқда. Битирув малакавий ишларнинг натижалари буюртмачилар томонидан баҳоланади ва реал вазиятларда улардан фойдаланилади. Шундай қилиб ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ва ишлаб чиқариш ўртасида узвий алоқалар ўрнатилмоқда.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар лойиҳа ва кейс-стади усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши бугунги кун таълим тизимидаги янгиликлардан бири десак, ҳато қилмаймиз.

Таълим олувчиларга мустақил ишлаш бўйича уйга вазифа беришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- ўқув адабиёти тузилиши билан танишиш;
- матнларга кўз югуртириб чиқиш;
- алоҳида бобларни ўқиш;
- ўқув адабиётидан саволларга жавоб қидириш;
- ўқув материалларини ўрганиш;
- реферат ёзиш;
- қисқача баённома тузиш;
- мисол ва машқлар ечиш;
- тест синовларини бажариш;
- ўқув материаллари мазмунини тушуниш ва хотирада сақлаб қолиш.

Ўқувчиларни ўқув адабиётларидан мустақил фойдаланишга ўргатишда қуйидагилар назарда тутилади:

- Ўқувчиларда ўз билиминини текшириш малакасини шакллантириш;
- уйда китоб билан ишлаш орқали дарсда олинган билимларни мустаҳкамлаш;

– Ўқувчиларнинг ўқув материали мазмунини тушунишлари учун уларни режа асосида ўқиш, мантиқий–тузилмавий схемалар, жадваллар ва расмлар шаклида ифодалаш, конспект ёзиш каби амалий ишларга ўрганиш.

Талабанинг билимларини ўзлаштиргани тўғрисида китобни неча марта ўқиганига эмас, балки ўқув материаллари мазмунини тушунганига кўра хулоса чиқариш ва уни баҳолаш керак. Бунда талабанинг кўп ўқиши эмас, балки ўқиганларини фаол эслаб қолиши муҳим ҳисобланади.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўқув адабиётларидан мустақил фойдаланишга ўргатишда ўқув машғулотининг технологик харитасидан фойдаланиши лозим.

Биринчи босқичда ўқитувчи машғулотга тайёргарлик кўради, ўқувчиларнинг мустақил ўрганишлари учун ўқув материалини танлайди, ўқув фаолиятининг мақсади, вазифаси, натижаси ва уни баҳолаш мезонини белгилайди.

Иккинчи босқичда мавзунини эълон қилади, янги ўқув материали мазмуни ва мустақил ишни бажариш тартибинини ўқувчиларга тушунтиради.

Учинчи босқичда ўқувчиларга индивидуал ёрдам беради.



Тўртинчи боскичда ўқувчиларнинг бажарган ишини назорат ва таҳлил қилади, натижаларни баҳолайди.

Шундай қилиб, махсус фанлардан ташкил этиладиган мустақил ишларнинг мақсади ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, уни ижодий ишлаш ва мустақил фикрлашга ўргатишдир. Ўқувчилар мустақил ишлаш малакасига эга бўлганидан кейин тўғараклар, конференциялар, конкурслар, олимпиадалар ва бошқа тадбирларда фаол қатнашадилар.

Аудиториядан ташқарида талабалар фаолиятини ташкил этишда мустақил фаолиятни ташкил этишга ёрдам берувчи ташкил этувчилардан фойдаланиш қулай. Улар талабалар билимини мустаҳкамлаш ва баҳолаш жараёнини осонлаштиради. Бундан ташқари аудиториядан ташқари мустақил фаолиятни ташкил этишда кейс ва лойиҳа методини ўзига хос ўрни мавжуд.

### **Кейс -стади методи.**

*Кейс-стади* (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс – бу реал ҳаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

У илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуги кенг татбиқ этила бошлади.

*Кейсолог фаолияти мазмуни:*

- Кейснинг ўқув курси тўзилмасидаги ўрнини белгилаш.
- Унинг таълим мақсадини тўлиқ ифода этиш.
- Кейснинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулият зонаси» ни аниқлаш:

ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши/ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати

- Кейс ҳаётийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик тусида бўлиши?
- Кейс объекти аниқ шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд у кўп объектли бўлади?
- Фақат шундан кейин у институционал тизимни танлайди (кабинетли кейс учун).

*Кейс учун ахборот йиғиш усуллари:*

Интервью, суҳбат, ўрганиш (архив ҳужжатлари, ҳисоботларни), кўзатув ва ҳ.к

*Ахборот йиғиш воситаси:* Сўровнома варағи, интервью олиш варағи, анкета, ҳар хил жадваллар ва бошқалар.

*Ахборот манбалари:* статистик материаллар, ҳисоботлар; вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар; Интернет; оммавий ахборот воситалари; корхона раҳбарлари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион фондлар таҳлилчилари билан мулоқот; талабаларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари; илмий мақолалар, монографиялар.

Мақсадни баён этиш -ўқув курси структурасида кейсни ўрнини аниқлаш.

Кейсни таълим мақсадини кўрсатиб бериш.

Талабани ўқув ютуқлари, натижалари учун кейсни “жавобгарлик зонаси”ни аниқлаш: кейсни ишлаб чиқиш жараёнида билими ва савияси, ўзлаштирилиши, тафаккури ва бошқалар.

### **Лойиҳа методи**

Лойиҳавий таълим педагогика амалиётида 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда.

Немис педагоги М. Кноллинг тадқиқотига кўра, «лойиҳа» тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ.

☀ XVIII аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцариядаги, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида тарқалди.

☀ *Лойиҳалар усули* «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» ғоялари юзага келди.

☀ Америкалик педагоглар В. Килпатрик, Е. Коллингс ва Е. Пархерстнинг ишларида ривожлантирилди, улар таҳсил олувчиларнинг нафақат фаол ўрганиш фаолияти, балки биргаликдаги меҳнат, ҳамкорлик асосидаги фаолиятини ташкил эта бошладилар.

☀ 1911 йилда АҚШ Тарбия бюроси «лойиҳа» атамасини қонунлаштирди ва у америка педагогикасида янада мустаҳкамлана бошлади.

Лойиха» атамаси ижтимоий фанлар соҳасига техника соҳасидан ўтган бўлиб, «**Лойиха** (лотинча-projectus, дан таржимада олдинга ташланган) – аниқ қоидаларга мувофиқ у ёки бу соҳа ҳолатини қайта қуришнинг асосий ғоясини англатади.

**Таълим маъносидаги лойихалаштириш** ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкиллаштирилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

#### **Лойихавий таълимнинг муҳим белгилари:**

- Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга уларни қизиқтирган муаммони тадқиқ қилиш ва уни ҳал этишда йўналтириш ва ёрдам беришда ўқитувчи ўрнини белгиловчи ўқув муҳитини яратади;
- Фан билимларини мустаҳкамлашга ва уларни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга мустақил ҳаракат қилиш, (амалиётга йўналтирилган) аниқ якуний натижа олишни таъминловчи ўқув муҳитини яратади;
- Ҳақиқий ҳаёт билан таълимнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатади.

#### **Лойиха турлари:**

Изланувчилик фаолияти хусусиятидаги ўқув лойихаларнинг турлари

**1.Тадқиқотчилик лойихалари** – бу илмий изланиш хусусиятига эга бўлиб, қуйидаги ишларни бажариш ва аниқлаш назарда тутилади:

- муаммони долзарблиги ва ишлаб чиқилганлигини;
- Тадқиқот мақсади;
- Фараз, вазифалар;
- Муаммони ўрганиш усуллари;
- Ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- Тажриба ўтказиш;
- Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

#### **Ижодий лойихалар**

ҳамкорий фаолиятда ишлаб чиқилган янги маҳсулотни ижодий шаклдаги (ижодий ҳисобот, кўргазма, ишлаб чиқариш хоналарини дизайни, видеофильм, нашрий маҳсулотлар – китоблар, альманах, компьютер саҳифаларидаги журнал, компьютер дастурлари ва б.)тақдимоти.

*Ижодий иш гуруҳи - бу (лабораториялар, устахоналар, конструкторлик бирлашмалари, редакциялар ва бошқалар)*

**Ахборотли лойихалар** – ўқув жараёни ёки бошқа буюртмачилар учун муҳим бўлган ахборотларни йиғишга йўналтирилган.

Лойихани ишлаб чиқиш турли манбалардан: монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, социологик сўровномалар, электрон маълумотларни излаш билан боғлиқ.

Лойиха натижаси – буклет, нашр, Интернет саҳифаси шаклидаги тақдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган,

тизимлаштирилган ахоротдир.

### **Қўллаш соҳасига боғлиқ равишда ўқув лойиҳаларни турлари**

- **Ишлаб чиқаришга оид (техникавий)** ва ижтимоий лойиҳалар. Бунда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий томонларини (бошқарув, уй-жой шароитини яхшилаш ва бошқа муаммоларни) такомиллаштириш учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал этиш назарда тутилади.

### **Муаммони ишлаб чиқиш хусусияти билан мувофиқликдаги лойиҳалар**

- Назарий ва амалий йўналтирилган лойиҳалар. Бунда касб таълими йўналишидаги талабалар педагогика тарихи фанида тарбияга бўлган ёндашувларни ўрганиш асосида ижодий гуруҳларда ўзларининг шахсий тарбиянинг концепцияларини ишлаб чиқадиладар.
- **Амалий хусусиятдаги лойиҳада аниқ амалий**, яъни мактаб ёки аниқ ўқитувчининг буюртмаси бўйича муаммони ҳал этишга йўналтирилади (услубий лойиҳа). Бу лойиҳалар битта лойиҳада ўз аксини топиши ҳам мумкин.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш шакллари қандай?
2. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усулларига мисоллар келтиринг.
3. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда қандай омилларни ҳисобга олиш лозим?
4. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишнинг қандай усуллари биласиз?
5. Кейс методининг ўзига хос жиҳатлари қандай?
6. Лойиҳа методи асосида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда қандай омилларни ҳисобга олиш лозим?

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Изменения в образовательных учреждениях: опыт исследования методом кейс – стадии / под ред Г.Н. Прозументовой.- Томск, 2003.
2. Козина, И. Особенности стратегии case-study при изучении производственных отношений на промышленных предприятиях России //Социология: методология, методы, математические модели. - 1995.- N5-6.- С.65-90.
3. Козина, И. Case study: некоторые методические проблемы // Рубеж.- 1997.- № 10-11.- С. 177-189.
4. Михайлова, Е. И. Кейс и кейс-метод: общие понятия / Маркетинг.- 1999.- №1.
5. Рейнгольд, Л.В. За пределами CASE — технологий // Компьютерра.- , 2000. - №13-15.
6. Смолянинова, О.Г. Инновационные технологии обучения студентов на основе метода Case Study // Инновации в российском образовании: сб.- М.: ВПО, 2000.
7. <http://www.casemethod.ru>

8. Голиш Л.В. "Замонавий педагогик технологиялар" ., М. 1999.
9. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иқтисод-молия», 2009.

#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

##### **1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Мавзу: Олий таълим тизими ўқув-услубий фаолиятига инновацион таълим технологияларини жорий этиш (4 соат)**

**1-амалий машғулот ( 2 соат)**

**Режа**

1. Ўз соҳасига оид мавзунини танлаш ва уни структуралаштириш.
2. Мавзу бўйича эришиладиган натижаларни шакллантириш.

**Таянч тушунчалар:** эришиладиган ўқув натижалари, аниқлаштирилган мақсадлар, мантиқий бўлак, модул, мантиқий структура.

Тингловчилар модул яратиш жараёнида модулнинг ахборот базасини шакллантиришлари лозим. Модулнинг ахборот базаси қисқартирилган, тўлиқ ва чуқурлаштирилган матнлардан, кўргазмали дидактик материаллардан иборат бўлади ана шу ахборот материални қисқа, лўнда ва тушунралаи абён этиш учун педагог ахборотни мантиқий тузилмаларга ажартишни билиши лозим.

##### **Топшириқ.**

Соҳа бўйича танлаган мавзунини мантиқий тузилмасини яратинг. Вазифани бажариш учун қуйидаги ҳаракатлар алгоритмига амал қилинг:

1. Ахборотни чуқур ўрганинг.
2. Ахборотни мантиқий бўлакларини аниқланг.
3. Ҳар бир мантиқий бўлакнинг таркибини ишлаб чиқинг.
4. Ҳар бир бўлакнинг қисқача изоҳини тузинг.
5. Умумий ахборотнинг ўзаро боғлиқликларини ўрнатинг.

Тингловчилар ўз тузган мантиқий тузилмасини тақдимот қилади ва ушбу тузилмани ахборотни ўрганиш жараёнида қандай қулайликлар туғдиришига изоҳ беради. Бу вазифа ахборотни қисқа муддат ичида тушунарли қилиб баён этишга ёрдам беради.

##### **Топшириқ.**

Тингловчилар модулнинг натижаларини тўғри белгилашни ўрганишлари учун иккинчи топшириқни бажариш таклиф этилади, яъни Б.Блум таксонимияси асосида барча қоидаларга амал қилган ҳолда ўз соҳасига оид

танлаган мавзуга эришиладиган ўқув натижаларини ишлаб чиқиш лозим.

№	Ҳаракатлар алгоритми	Жавоблар
1	Мавзу:	
2	Режа:	1 2 3
3	Умумий таълимий мақсад	
4	Эришиладиган ўқув натижалар	1 2 3 4 5 6

## 2-амалий машғулот ( 2 соат)

### Режа

1. Тезкор назорат усулларига мисоллар ишлаб чиқиш.
2. Танланган мавзу бўйича ишланган мақсадлар тизимига мос назорат ишларини тайёрлаш.

### Топшириқ.

Ўз соҳасига оид тест типлари, шакллари ва мураккаблик даражасига оид намуналар яратиш лозим. Бу топшириқ тингловчиларда тестларни ишлаб чиқиш ва у асосида назорат жараёнини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилади.

## Очиқ тестлар

### Битта тўғри жавоби бор тестлар

- 1. Репродуктив даражадаги тест топшириқларига хос хусусиятни топинг.
- \*1. Билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда қўллаш.
- 2. Ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш.
- 3. Умумий хулоса чиқариш орқали жавоб бериш.
- 4. Ўрганилган объектнинг хусусиятларини бошқа объектга кўчириш.

### Иккита тўғри жавобни топишни талаб этувчи тестлар

- Репродуктив даражадаги тест топшириқларига хос хусусиятлар қайсилар, тўғри жавобларни топинг.
- 1. Билим, кўникма ва малакаларни таниш одатий вазиятда қўллаш.
- 2. Ахборотларни қайта ишлагандан жавоб қайтариш.
- 3. Ўрганилган объектларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш.
- 4. Аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги қўтилмаган вазиятларда қўллашни талаб этилади

Жавоб: \_\_\_\_\_ 1,2

## Муттаносиблик

№	Характеристика	№	Б.Блум тақономияси босқичлари			
1	Эгаллаган билимлардан амалда фойдаланиш	A	Билиш			
2	Фактларни, тушунчаларни, категорияларни ва таърифни айтиб бериш	B	Тушуниш			
3	Ўз сўзлари билан мазмунни ёритиш, изохлаш, тавсифлаш	C	Баҳолаш			
4	Объектни элементларга ажаратган ҳолда чуқур ўрганиш, классификациялаш	D	Синтез			
5	Умумлаштириш, хулоса қилиш	E	Тахлил			
6	Объектга нисбатан муносабат билдириш ва заруратини аниқлаш	F	Қўллаш			
Жавоб :	1 - F	2 - A	3 - B	4 - E	5 - D	6 - C

## Изчиллик тестлари

- **12. Катта қон айланиш доирасининг кетма-кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга ёзинг.**
- 1) аорта қон томири ; 2) юқориги ва пастки ковак веналар; 3) ўнг бўлмача; 4)йирик ва майда артерия томирлари; 5) веналар; 6) тўқима ва органлар; 7) юракнинг чап қоринчаси.



### Билиш жараёнлари келтирилган вариантни танланг

- А) характер, сезги, идрок, қобилият
- Б) сезги, идрок, хотира,хаёл
- В) диққат, мклоқат, фаолият, хотира
- Г) хотира, тафаккур, интеллект, хаёл

- А) иккита тўғри -1 балл.
- Б) тўлиқ - 2 балл.
- В) битта тўғри -0,5 балл.
- Г) учта тўғри-1,5 балл.

### Адабиётлар рўйхати

1. Аванесов В.С. Теория и практика педагогических измерений (материалы публикаций) Подготовлено ЦТ и МКО УГТУ-УПИ, 2005 г.
2. Аванесов В.С. "Образовательные стандарты нуждаются в изменении". УШ, № 46, декабрь 1998г.
3. Аванесов В.С. Современные методы обучения и тестового контроля знаний. - Владивосток, 1999. - 125с.
4. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. 2 изд. М. Адепт. 1998. - 217с.



5. Балл Г.А. Теория учебных задач: Психолого-педагогический аспект. - М.: Педагогика, 1990.- 184с.
6. Дыранкова Е.Т. Знания и уровневые показатели их усвоения / Содержание и технология контроля за качеством среднего образования. Тез. докл. рег. научно-практ. конф. работников образования. Оренбург, 1998. - 89с.

**Мавзу: Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар (4 соат)  
1-амалий машғулот (2 соат)**

**Режа**

3. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш усулларига мисоллар ишлаб чиқиш ва тақдимот қилиш.
4. Тақдимот натижаларини таҳлил этиш умумий камчиликларни аниқлаш ва йўқотиш.

**Таянч тушунчалар:** ВЕН –диаграммаси, “Т”-схема, концептуал жадвал, ФСМУ, SWOT-таҳлил.

Талабалар мустақил ишлари ўтказилиш жойи ва вақтига, уни педагог томонидан бошқарилиш характери ва унинг натижаларини назорат қилиш усулларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- аудиторияда ўтказиладиган машғулотлар жараёнидаги мустақил ишлар (маъруза, семинар, лаборатория иши);
- режали маслаҳат (консультация), ижодий ўзаро муносабат, зачет ва имтихонлар шаклида, педагогнинг бевосита назорати остида ўтказиладиган мустақил ишлар;
- аудиториядан ташқари фаолият яъни талабаларнинг ўқув ва ижодий характерга эга бўлган топшириқларни аудиториядан ташқари шароитда бажариши.

Талаба мустақил иши – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришга йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Албатта, юқорида санаб ўтилган талабалар мустақил ишлари турлари шартлидир ва реал ўқув жараёнида ушбу мустақил иш турлари ўзаро кесишадилар. Умуман олганда эса, ўқитувчининг бошқаруви остида ташкил этиладиган талабалар мустақил ишлари касбий жихатдан ўз устида ишлашга мақсадли тайёргарликни ривожлантиришнинг педагогик таъминоти ҳисобланади ҳамда таълим жараёнининг дидактик воситаси ва талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг сунъий конструкциясини ташкил қилади.

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жихатлар эътиборга олиниши лозим:

- ўқиш босқичи;

- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

Мустақил фаолият ташкил этиш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак бўлади. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- курс иши (лойиҳалари)ни бажариш;
- битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар тўплаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларини бажариш;
- макет, модел ва бадиий асарлар устида ишлаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш; уй вазибаларини бажариш ва бошқалар.

### **Топшириқ.**

Тингловчилар органайзерлар билан ишлайдилар (ВЕН –диаграммаси, “Т”- схема, концептуал жадвал, ФСМУ, SWOT-тахлил ва б.) ўз ишланмаларини тақдимот қиладилар. Ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилади.

## **2-амалий машғулот (2 соат)**

### **Режа**

1. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш.
2. Аввалги амалий машғулотларда танланган мавзунинг ҳар бир индектив мақсадига мос мустақил фаолиятни танлаш.

**Таянч тушунчалар:** мустақил фаолият, кейс-стади, лойиҳа.

Олий таълим тизимида ҳар бир фан бўйича тегишли кафедраларда талабаларнинг аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ташкил этиладиган

мустақил фаолиятининг ташкилий шакллари, топшириқлар вариантлари, мавзулар ишлаб чиқилади ҳамда факультетда Илмий-услубий кенгашда тасдиқланади.

Ишлаб чиқилган топшириқларни бажариш юзасидан талабалар учун зарурий методик қўлланмалар, кўрсатмалар ва тавсиялар махсус ишлаб чиқилади.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, мураккаблик даражаси семестрдан семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, мураккаблашиб бориши лозим яъни талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларнинг топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўрганиб бориши керак.

Талабалар мустақил иши учун топшириқларни тайёрлаш ва мустақил ишларини ташкил этиш бўйича маълум талаблар белгиланган, улар куйидагилардан иборат:

- талаба учун муайян фан бўйича мустақил иш топшириқлари ушбу кафедра профессор-ўқитувчиси (ёки етакчи доцент) томонидан ўқув машғулотлари олиб борувчи ўқитувчи билан биргаликда тузилади ҳамда кафедра мудири томонидан тасдиқланади;
- талабага мустақил иш топшириқларини бажариш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берилади;
- мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбаи сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, услубий қўлланмалар, кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет тармоғидаги тегишли сайтлар келтирилади.

Талабалар мустақил фаолиятларини ташкил этишда “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш” бўйича йўриқномада белгиланган куйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Талабалар мустақил ишларини икки кўринишда – аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ташкил этиш.
2. Талабалар мустақил ишларини тизимли равишда, яъни босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб ташкил этилишини таъминлаш.
3. Талаба-ўқувчилар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда куйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш:

- талабаларнинг ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига ҳос хусусияти, ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабаларнинг қобилияти назарий ва амалий тайёргарлик даражаси;
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси;
- мустақил иш учун топшириқлар курсдан-курсага ўтиш билан шакл ва ҳажми жиҳатидан ўзгариб бориши;
- мустақил иш фан хусусияти ҳамда талабанинг академик ўзлаштириш даражасига ва қобилиятига мос ҳолда ташкил этилиши.

Аудиториядан ташқари мустақил ишларни ташкил этишдан асосий мақсад – профессор-ўқитувчилар раҳбарлиги ва назорати остида талабаларни семестр давомида фанларни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, эгалланган билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, назарий ва амалий ўқув машғулотларига тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш ҳамда шу тариха малакали, рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашга эришишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 31-сонли буйруғига кўра талабалар мустақил ишининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- янги билимларни мустақил равишда пухта ўзлаштириш кўникмаларига ўргатиш;
- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув илмий адабиётлардан, меъёрий хужжатлардан фойдаланиш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар билан ишлаш;
- Интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳлил қилиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосидақайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.<sup>1</sup>

Талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини ташкил этиш уларда иқтисодий билим, дунёқараш, ижтимоий фаоллик ва мустақил фикрлашни шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади. У ўқув режаси ва фанлар дастурида кўзда тутилган зарур билимлар ва кўникмаларнинг талабалар томонидан оқилоно, етарлича вақт ва куч сарфлаб ўзлаштирилишини таъминлайди. Фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, талабанинг қизиқишларини орттириш, фаоллигини ва мустақил фаолиятларини ривожлантириш йўналишида боради, бунда талабаларда ижодий фикрлаш, мустақил ўқиш, кўникма ва лаёқатлари шаклланади. Мустақил ишларни бажариш муддати жиҳатидан хоҳлаганча давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 17-25 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари узоқ ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун аудиториядан ташқари мустақил фаолиятни режалаштирганда аудиторияда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, аудиторияда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, аудиториядан ташқари мустақил ишлаш 3

соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Шундай қилиб, хафталик иш бажариш вақти 22-24 соат атрофида бўлади. Албатта бу вақт талабанинг нормал тарзда диққат-эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда бир талаба ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси қизиқиб, предметни ўрганишга илхом билан киришиб кетади. Учинчиси, умуман дарс тайёрлагиси келмайди. Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларини келтириш мумкин. Демак аудиториядан ташқарида талабанинг мустақил фаолиятини тўғри ташкил этиш, барча омилларни ҳисобга олиш муҳим.

### **Топширик.**

Тингловчиларни гуруҳларга ажратган ҳолда кейс ёки лойиҳанинг режасини ишлаб чиқиш топширилади. Режа муҳокама қилиниб хулосалар чиқарилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Слостенин В.А. и др. Педагогика: Учебное пособие для студентов. ҒМ.: “Академия”, 2002й.
2. Султонова Ў.Н. Физикадан ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси: Автореф. дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2007.– 22б.
3. Толипова Ж. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш // Халқ таълими. – Тошкент, 2002. – № 4. – Б. 102 – 103 .
4. Толипов Ў.Қ. Талабалар мустақил ишларида ўқитиш воситалари // Халқ таълими. – Тошкент, 2000. - №1.- Б. 45 – 47.
5. Турдибаева Б.М. Формирование познавательной самостоятельности у студентов педагогических вузов как средство совершенствования воспитательной работы. (На примере биологических факультетов во внеаудиторное время): Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. – Жалал – абад. 2001. – 22 с.
6. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Фан ва технология”, 2007й.
7. Халилов Н. Мустақил таълим шакллари // Халқ таълими. – Тошкент, 2002.- № 5.- Б. 88 – 89.

## **V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Модернизациялаш зарурати ва уни амалга ошириш.
2. Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва амалий асослари.
3. Юқори малакали мутахассисларни етиштириш жараёнини самарадорлигини ошириш.
4. Инновацион таълим технологияларининг мазмуни ва турлари.
5. Олий таълим тизимида глобал муаммолар ва ечимлар.

6. Олий таълим тизимида ўқув-услугий фаолиятни ташкил этиш.
7. Олий таълим тизимида талабаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш масалалари.
8. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишнинг назарий асослари.
9. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш: назария ва амалиёт.
10. Педагогнинг инновацион фаолияти.
11. Олий таълим тизимида назорат жараёнини ташкил этиш ва бошқариш.
12. Олий таълим тизимида тарбия жараёнини ташкил этишнинг назарий асослари.
13. Олий таълим тизимида педагогнинг инновацион фаолиятига таъсир этувчи омиллар.
14. Олий таълим тизимида талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш.
15. Олий таълим тизимида модулли технологияларни жорий этиш масалалари.

## **VIII. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР**

№	Мавзулар
1	Олий таълим тизимини модернизациялаш зарурати ва уни амалга ошириш йўллари
2	Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали йўллари.
3	Олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали йўллари.
4	Олий таълим тизимида юқори малакали мутахассисларни етиштириш жараёнини самарадорлигини ошириш йўллари.
5	Олий таълим тизимида инновацион таълим технологияларини жорий этиш йўллари.
6	Олий таълим тизимида глобал муаммолар ва уларни ечимини топишда самарали бошқарувнинг ўрни.
7	Олий таълим тизимида ўқув-услугий фаолиятни ташкил этишнинг

	самарали йўллари.
8	Олий таълим тизимида талабаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
9	Педагогнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
10	Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
11	Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
12	Олий таълим тизимида назорат жараёнини ташкил этиш ва бошқариш.
13	Олий таълим тизимида тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.
14	Олий таълим тизимида педагогнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
15	Олий таълим тизимида талабаларнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш.
16	Олий таълим тизимида модулли технологияларни жорий этиш ва бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари.

## X. ГЛОССАРИЙ

Тушунчалар	Ўзбекча	Инглизча
<b>Алгоритм</b> <b>Algorithm</b>	Модул таълими таркибий бўлақларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараёни амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-қоидалари	Rules initially established to realize an interposition of parts of module education and sequence of technological process
<b>Аралаш модел</b> <b>Mixed model</b>	Масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел	Model based on various forms distance learning and integration of some forms
<b>Аралаш ўқитиш</b>	Онлайн ўқув материаллари	A form of teaching based on

<b>Blended learning</b>	хамда ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳда таълим олишга асосланган ўқитиш шакли	a group learning under the supervision of a teacher using online study materials
<b>“Ассесмент” технологияси “Assessment technology”</b>	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
<b>Ахборотли лойиҳалар Information projects</b>	Ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишга йўналтирилган лойиҳалар	Projects intended for collecting theoretical information aiming at realization of scientific projects or organization of educational process
<b>Валидация Validation</b>	Таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши	Satisfaction of interests of customers in educational and service system
<b>Вебинар технология Webinar technology</b>	Web технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёк ходисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар	Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences, debates, presentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies
<b>Дарс ишланмаси Lesson planning</b>	Таълимий мазмунга эга лойиҳа ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
<b>Дастурий таълим Program education</b>	1) ўқитишнинг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув	1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study



	<p>материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири</p>	<p>materials by students, and opportunities of the academic subject; 2) one of the pedagogical technologies</p>
<p><b>Драматик ўйинлар</b> <b>Dramatic games</b></p>	<p>Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар</p>	<p>Games intended for solving psychologic and social issues</p>
<p><b>Дидактик ўйинлар</b> <b>Didactic games</b></p>	<p>Ўрганилаётган объект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури</p>	<p>A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied</p>
<p><b>Ижодий лойиҳалар</b> <b>Creative projects</b></p>	<p>Индивидуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўرғазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар</p>	<p>The projects intended to creat new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity</p>
<p><b>Имитацион ўйинлар</b> <b>Imitation games</b></p>	<p>Ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар</p>	<p>Activities aimed at effective preparing students for certain activities based on imitation of activity carried out by employees of organizations, companies, factories</p>

<b>Инвигилатор</b> <b>Invigilator</b>	Масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог	A specialist-pedagog who controls the results of teaching in the frames of distance learning
<b>Индивидуал таълим</b> <b>Individual education</b>	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature, computer, television, redio, etc.) during educational process
<b>Инновацион таълим</b> <b>Innovative education</b>	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities f a student
<b>Инновацион фаолият</b> <b>Innovative activity</b>	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards
<b>Инновация</b> <b>Innovation</b>	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
<b>Интерфаол таълим</b> <b>Interactive aducation</b>	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities,

	ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	skills and knowledge
<b>Ишбилармонлик ўйинлари</b> <b>Business games</b>	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
<b>“Кейс-стади” технологияси</b> <b>“Case study” technology</b>	Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология	A technology that forms skills in searching for proper variants by analyzing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
<b>Компьютер таълими</b> <b>Computer education</b>	Талабаларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим	The education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
<b>Компьютер таълими технологиялари</b> <b>Computer education technologies</b>	Талабаларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси,	A set of forms, means and methods of education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring

	телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуи	information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
<b>Консорциум</b> <b>Consortium</b>	Масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма	A union of two universities that organize a distance learning
<b>Лойиҳалаш</b> <b>Projecting</b>	Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат	An action aimed at developing the essence of an activity or process, activity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means
<b>Лойиҳа</b> <b>Project</b>	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
<b>Лойиҳа методи</b> <b>A method of project</b>	Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуи	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity
<b>Лойиҳа таълими</b> <b>A study of project</b>	Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини	Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by

	кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим	guaranteeing the effectiveness of a plan and aim that have educational characteristics
<b>Масофавий таълим</b> <b>Distance learning</b>	Муайян нуктадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим	Education aimed at using study resources based on innovational form, method and means in organizing study services, expanding and delivering study products with the help of certain information communication means (video, audio, computer, multimedia, radio, television, etc.)
<b>Масофавий таълим технологиялари</b> <b>Distance learning technologies</b>	Таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир	A set of forms, methods and means used for increasing effectiveness of education and educational process
<b>Махорат дарслари</b> <b>Master classes</b>	Очик ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилган самарали ўқитиш шакли	An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences
<b>Модератор</b> <b>Moderator</b>	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог	A pedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning
<b>Моделлаштириш</b> <b>Modeling</b>	Ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш	Developing a model that discloses principal essence of an event, process and system
<b>Модел</b>	Реал, ҳақиқатда мавжуд	A simplified or lessened

<b>Model</b>	бўлган объектнинг содалаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	copy of a real and authentic object
<b>Модернизация Modernization</b>	Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
<b>Модул Module</b>	1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials
<b>Модул таълими A study of module</b>	Ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади	A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps
<b>Муаммоли вазият Dilemma</b>	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment
<b>Муаммоли маъруза A problem lecture</b>	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma

	оширишга йўналтирилган маъруза	
<b>Муаммоли таълим</b> <b>Problem education</b>	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
<b>Муаммоли таълим технологиялари</b> <b>Problem education technologies</b>	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
<b>Муаммо Problem</b>	Ҳал қилиниши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала	an issue that has practical and theoretical significance and needs to be dealt with or solved
<b>Мустақил таълим</b> <b>Independent learning</b>	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogs

	тайёрлашга йўналтирилган таълим	
<b>Новация</b> <b>Novation</b>	Тизимдаги айрим элементларнигина ўзгартиришга хизмат қилувчи фаолият	An activity that serves to change certain elements in the system
<b>Педагогик муаммо</b> <b>Pedagogical problem</b>	Ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала	A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution
<b>“Портфолио”</b> <b>Portfolio</b>	Автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами	A set of autobiographical documents
<b>Репетиторлик таълими</b> <b>Tutoring</b>	Индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури	A modern type of popular individual learning
<b>Ривожланиш</b> <b>Development</b>	Шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён	A complicated process of qualitative and quantitative changes in individual's physiological and intellectual development
<b>Ривожлантирувчи таълим</b> <b>Developing education</b>	Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим	Education aimed at revealing and developing students' inner capacities
<b>Ролли ўйинлар</b> <b>Role-playing games</b>	Маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиқ беришга йўналтирилган ўйинлар	Activities that allow to explore the psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
<b>Сюжетли ўйинлар</b> <b>Plot games</b>	Педагогик воқелик, ҳодисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations



<b>Тадқиқот лойиҳалари</b> <b>Projects of research works</b>	Илмий изланиш характериға эга лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
<b>Таълим жараёнини лойиҳалаштириш</b> <b>Projecting the educational process</b>	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activities and its assessment
<b>Таълим инновациялари</b> <b>Educational innovations</b>	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results
<b>Таянч консепт</b> <b>Reference conspect</b>	Назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикли тасвир (қисқа хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи консепт	A conspect about theoretical learning materials (information) depicted with graphic pictures (brief conclusion, explaining pictures, signs, schemes, charts)
<b>Таълим тизимини модернизациялаш</b> <b>Modernization of educational system</b>	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
<b>Технологик модел</b>	Таълим ёки маънавий-	A document that reveals

<p><b>(паспорт)</b></p> <p><b>Technological model (passport)</b></p>	<p>маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат</p>	<p>main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics</p>
<p><b>Технологик харита</b></p> <p><b>Technological map</b></p>	<p>Таълим жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат</p>	<p>A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object</p>
<p><b>Тьютор</b></p> <p><b>Tutor</b></p>	<p>Ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий</p>	<p>A teacher, coach who uses interactive methods for courses and establishes learning communication between a student and lecturer</p>
<p><b>Узоқлаштирилган аудиториялар</b></p> <p><b>Distant auditoriums</b></p>	<p>Бир олий ўқув юртида ташкил этилаётган ўқув курслари, маъруза ва семинарларнинг ундан узоқ масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўқув аудиторияларига телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радио эшиттириш кўринишида узатилиши</p>	<p>A transmission of courses, lectures and seminars to classrooms or lecture halls in remote places organized in universities (colleges) via telecommunication means in the form of synchronous TV or radio programs, video forums</p>
<p><b>Фасилитатор</b></p> <p><b>Facilitator</b></p>	<p>Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог</p>	<p>A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively assesses activity of groups</p>

<b>Франчайзинг</b> <b>Franchising</b>	Ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши	Rights that are given by partner universities to other universities for carrying out distance learning courses
<b>Шахсга йўналтирилган таълим</b> <b>Student-centered education</b>	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
<b>Шахсни ривожлантириш</b> <b>Developing an individual</b>	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
<b>Эдвайзер</b> <b>Advisor</b>	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи	An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students
<b>Ўйин</b> <b>Game</b>	Кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, таклид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли	An important type of individual's activity and a form or method of mastering by imitating the relationships by children
<b>Ўйин технологиялари (ўйин таълими)</b> <b>Game technologies (game learning)</b>	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳолавчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
<b>Ўқув лойиҳаси</b>	1) талабларнинг	1) a method of organizing

<p><b>Learning project</b></p>	<p>муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули; 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси; 3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита</p>	<p>an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product; 2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge; 3) a didactic mean that develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence</p>
<p><b>Ўқув топшириқлари</b> <b>Study assignments</b></p>	<p>Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси</p>	<p>A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject</p>
<p><b>Ҳамкорлик таълими</b> <b>Cooperation education</b></p>	<p>Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим</p>	<p>Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process</p>
<p><b>Ҳамкорлик таълими технологиялари</b> <b>Cooperation</b></p>	<p>Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро</p>	<p>Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of</p>

<b>education technologies</b>	ривожланишлари, шунингдек, “педагог- талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар	students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process
-------------------------------	---	---

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
22. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
24. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
25. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
26. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
27. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
28. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
29. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
30. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
31. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
32. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
33. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
34. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
35. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” гезатаси 2009 йил 14 февраль.
36. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

37. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

38. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

## **II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар.**

17. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

18. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)” Тартиби.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732 –сон Фармони.

## **III. Махсус адабиётлар.**

25.С.А. Мухина А.А.Соловьёва. Современные инновационные технологии обучения. М.»:ГЭОТАР-Медия» 2008 43 с.

26.Селевко С.Современные образовательные технологии, Москва.1998.-75-90 с.

27. Махмутов, Ибрагимов, Чошанова "Педагогические технологии развития мышления учащихся", Казань, 1993.- 75с.
28. Хўжаев Н, Хасанбоев Ж, Мамажонов И, Мусахонова Г. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Т, ТДИУ. -2007. 71-74
29. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.: ТДИУ. - 2012.- 50 бет.
30. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар", Қарши, 2000.
31. Голиш Л.В. "Замонавий педагогик технологиялар", М. 1999.
32. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар. Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
13. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент: «Фан», 2010.
14. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Тошкент: «Фан», 2010.
15. Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари – Т.: “Фан ва технология”, 2006
16. Саидахмедов Н., Очилов М. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси – Т.: ХТБ РТМ, 1999
17. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия. нашр, 2003
18. Ермолаева Е.И. Модульное обучение в вузе: его основные учебные элементы. Пензинский университет. 2010.- 75с.
19. Тимофеева Ю.Ф. Роль модульной системы высшего образования в формировании творческой личности педагога-инженера. // Высшее образование в России. №-4, 1993, с119.
20. Соколов Е. Модульная профессиональная подготовка: Резервы оптимизации // Новые знания.-2000.-№ 3.
21. Трофимов В, Ломова И. Методология разработки модульных курсов // Новые знания.-2000.-№2.
22. Трофимова З.П. Основы методологии и методики построения педагогических тестов: учеб. - метод. пособие / Под ред. А.В.Макарова. — Мн: РИВШ, 2005. — 60 с.
23. Майоров А.Н. Теория и практика создания тестов для системы образования. (Как выбирать, создавать и использовать тесты для целей образования). — М.: Интеллект-центр, 2001. — 296 с.
24. Михайлычев Е.А. Дидактическая тестология. — М.: Народное образование, 2001. — 432 с.
25. Чельшкова М. Б. Теория и практика конструирования педагогических тестов: Учебное пособие. — М.: Логос, 2002. — 432 с.

#### **IV. Хорижий адабиётлар:**

26. Albert R.S., Runco M.A. Theories of creativity. – London: Newbury Park, 1990.
27. Albert R. S., Runco M.A. A History of Research on Creativity. – Cambridge: Cambridge University press, 1999. Pp. 16-31.
28. Amabile, T. M. Within you, without you: The social psychology of creativity,



andbeyond. – London: NY, 1990. Pp. 61-91.

29. Bishop J. Psychological sense of community: research, applications, and implications. – London: Kluwer Academic/Plenum. 1990. – 339 p.

30. Bottino R.M., Forcheri P., Molfino M.T. Technology Transfer in School: from Research to Innovation // British Journal of Educational Technology. 1998. № 29 (2). Pp. 163-172.

31. Cropley A., Cropley, D. Using Assessment to Foster Creativity. – Singapore: World Scientific. 2007. Pp. 209-230.

32. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

### **Электрон таълим ресурслари рўйхати**

www. tdpu.uz

www. pedagog.uz

www. Ziyonet.uz

www. edu.uz

tdpu-INTRANET. Ped

<http://www.едусторнг.ру/маин/боок/педагогтечно.тм>

## **ХII. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ**

### **“ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ-ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ” МОДУЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАГА**

#### **ТАҚРИЗ**

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интиломда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарбликдан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда таълим тизимини модернизациялаш масаласига эътибор қаратилган. “Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модули педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини таълим модернизацияси масалалари билан таништириш, инновацион технологиялар, модулли технологиялар ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва ечимларни қидиришга қаратилган. Модулининг вазифалари белгиланган, модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар тизими, модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

“Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа тизимли, мантиқий кетма-кетликда баён этилган, уни ўрганиш қулай, уни бош илмий методик марказнинг илмий методик кенгашида тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин.

**ТДПУ профессори, п.ф.д.**

**Ш.Шодмонова**